

Хабар

20
(921)-son

14-may

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

Янги аср кутубхонаси

Тошкент шаҳрида Корея Республикаси билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги биринчи илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси ишга туширилди. Шу муносабат билан 12 май куни тантанали равишда расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.


Илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни таъкил этиш тўғрисида”ги ва 2008 йил 26 августдаги “Корея Ҳукумати грантини жалб қилган ҳолда илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонасини яратиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 5 сентябрдаги 259-буйруғига мувофиқ ахборот-кутубхоначилик соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигини амалга ошириш мақсадида иккала Ҳукумат Келишувига асосланган ҳолда Тошкентдаги “Билим” ахборот-кутубхона маркази негизда Жанубий Корея гранти асосида ва Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг бевосита ёрдамида яратилди.

2-бет



과학기술문헌전자도서관 개관식

Ilmiy-texnikaviy adabiyotlar elektron
kutubxonasi ochilish marosimi
2010.5.12



Сўнги янгилик!

Турли мамлакатларнинг юқори технологиялар бўйича қўплаб компанияларини ўзида бирлаштирган WiFi Alliance ва WiGig Alliance уюшмалари WiFi ўрнини эгалловчи янги авлод симсиз тармоғини ривожлантириш борасида келишув имзолашди.

WiGig деб ном олган янги тармоқ стандарти кўп гигабитли ўтказувчанлик хусусияти билан ажралиб туради. Унинг тезлиги 7 Гбит/сониягача суръатда маълумот узатиш имконини беради.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги Wi-Fiнинг сўнги шакли (802.11n) маълумотларни 200 метрга 450 Мбит/сония тезликда узата олади.

Ушбу сонда:

- ТАТУда янги марказ 3
- Филиал «Тошкент телеграф-телефон станцияси» под-твердил сертификат соответствия ИСО 9001:2008 6
- WI-MAX: Юқори тезликдаги интернет 11
- Компютер саводхонлиги 13-14
- Дам олиш саҳифаси 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:



Jumadan Jumagacha

9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Шу куни Президентимиз Ислам Каримов пойтахтимиздаги Хотира майдонида ташир буюрди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи яли мажлиси бўлиб ўтди. Икки кунлик мажлис давомида 24та масала, шу жумладан, 10та қонун кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда БМТ тараққиёт дастурининг “Микроолиялаштириш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳаси, Техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, шунингдек, Халқаро молия корпорацияси томонидан “Микроолиялаштириш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси” мавзуда семинар ўтказилди.

Хива шаҳрида “Фонд Форум” жамғармаси ташаббуси билан “Асрлар садоси — 2010” маданият фестивали ташкил этилди. Ичанқалъада амалий санъат ярмаркаси, миллий ўйинлар фестивали бўлиб ўтди. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан хайрия тadbирлари ўтказилди.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Ўзбекистон нефт ва газ — OGU 2010” ўн тўртинчи халқаро кўргазма бўлиб ўтди. У Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, “Ўзбекнефтьгаз” миллий холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “TPE Uzbekistan” ва “I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd” (Буёк Британия) халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда “Таълим жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш” мавзуда республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва Германиянинг жаҳонга машҳур автомобил ишлаб чиқарувчи “Даймлер АГ” компаниялари Тошкентда автобуслар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолади. Янги қўшма корхона сайёҳлик, шаҳарлараро, шаҳар автобуслари ва мидибуслар ишлаб чиқаради.

Самарқанд шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқаро “Олтин мерос” жамғармаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган болалар намунали ансамбллари кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги “Қуралай” болалар фолклор-этнографик ансамбли олий ўринга лойиқ топилди.

Германиянинг Бранденбург федерал ўлкасида давом этаётган “Европа ҳафталиги” доирасида “2010 йил Ўзбекистонда Баркамол авлод йили” мавзуда брифинг бўлиб ўтди. Брифинг иштирокчилари Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган Баркамол авлод йили Давлат дастурининг асосий йўналишлари ва бу борада амалга оширилаётган тadbирлар билан танишишди.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Тadbирда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Чон Дэ Ван, Корея Миллий Ассамблеяси аъзоси Мун Хак Жин, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати И.Абдуллаевлар қатнашди ва сўзга чиқишди.

Лойиҳани 2008-2009 йиллар мобайнида ЎзАААнинг Республика ахборот-кутубхона маркази ва корейлик мутахассислар биргаликда амалга оширишди. Электрон кутубхона биносини тўла таъмирлаш



Ilmiy-texnikaviy adabiyotlar elektron kutubxonasi ochilish marosimi

Янги аср кутубхонаси

ва безаш ишларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, кутубхонани компютер техникаси, мебел, жиҳозлар билан таъминлаш ва ўрнатиш ишларини корейликликлар бажаришди. Электрон кутубхона мутахассислари Корея Республикасида электрон кутубхонадаги таъминотни техник ва бошқариш жиҳатдан олиб бориш, электрон ресурсларни шакллантириш каби йўналишларда ўз малакаларини ошириб келдилар.

Кутубхона икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, ҳар иккала қавати ҳам энг сўнгги русумдаги компютер техника-

си ва замонавий кутубхоначилик асбоб-ускуналари билан таъминланган. Электрон каталог, 54 ўринли умумий зал, 32та компютер ва бошқа замонавий техникалар билан жиҳозланган медиамарказ, электрон сенсорли киосклар, кутубхона электрон маълумотлар базаси ва интернет хизматлари китобхонлар ихтиёрида. Кутубхона маълумотлар базаси 40 мингдан ортиқ турли илмий адабиётларни ўз ичига олган.

Ушбу зиё масканида қоғоздаги ва чоп этилмаган нашрлар рақамлаштирилади, интернетдаги очик электрон

ҳужжатлар нусхаланади, муаллифлар, ноширлар, илмий-таълимий жамоалар ва электрон базаларни яратувчилардан электрон ҳужжатлар ҳуқуқли равишда олинади. Энди ташир буюрувчилар фойдаланиш чекланган ёки чегараланган ҳужжатлар — нодир нашрлар, фотоальбомлар, қўлёзмалар, диссертация ва ҳоказолардан кенг фойдаланиш имкониятига эгалар. Буларнинг ёнига адабиётларнинг электрон ва анъанавий шакллари билан фойдаланиш, газета ва журналлар мутолаа қилиш ва улардан нусха кўчириш имкониятларини ҳам қўшиш мумкин. Энг асосийси, ахборотлар энди тез ва ишончли манбалардан олинади.

Бир сўз билан айтганда, икки дўст мамлакатнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги ўзбек китобхонлари, айниқса, илмга чанқоқ ёшлар талаб-эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган зиё масканининг бунёд этилиши билан янада ривожланганидан бўлди.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири



Келажакимиз ворислари

Баркамол авлод йили Давлат дастурида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли ёт иллатлардан ҳимоя қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантиришга доир чора-тadbирларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунга асосан Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Андижон минтақавий филиали ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда “Болалар — келажак ворислари” мавзусида адабий мусиқали тadbир бўлиб ўтди. Унда шаҳримиздаги 24-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари иштирок этдилар. Тadbирни ахборот-кутубхона маркази директори Гулнора Исмомлова кириш сўзи билан очди.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Андижон минтақавий филиали мутахассиси Райҳона Якубова ўқувчилар намойиш этган Ватан, мустақиллик ҳамда дўстликни мадҳ этувчи шеърлари, миллий мусиқамиз садолари остида хиром этган рақслари, энгил кулгу остида намойиш этган саҳна кўринишларидан ёшларимизнинг бўш вақтлари мазмунли ўтаётганилиги, уларнинг онгида Ватанга, мустақилликка бўлган миннатдорчилик туйғулари янада кучаяётганилигини аниқлаш мумкин, дея тазкидлаб ўтди.

Тadbир якунида қатнашчиларга “Соғлом авлод учун” жамғармаси ҳамда ахборот-кутубхона маркази томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Н.МАШРАБОВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят
АКМ етакчи кутубхоначиси

TATUda yangi markaz

Тошкент ахборот технологиялари университетига National Instruments корпорациясининг Ўзбекистондаги биринчи расмий ўқув маркази ишга туширилди.



TATUga NI корпорациясининг сертификати топширилди.



Марказда яратилган шартлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида TATUнинг “Электроника” кафедрасига аналог ва рақамли электроника соҳаси лаборатория амалиёти, масофадан ўқитиш, илмий изланишлар ва тадқиқотлар учун 15та NI ELVIS — виртуал асбоблар ўқув лаборатория станцияси харид қилинди. Айнан мазкур лаборатория негизда марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Шу йилнинг 11 май санасида ушбу марказнинг очилиш маросими ўтказилди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, NI корпорациясининг ҳудудий вакили Амир Убайдуллаев ва бошқалар иштирок этишди. NI вакили университетта корпорация сертификатини топширар экан, мазкур даргоҳ талабаларининг чуқур билим олиши, илмий иш-

“Certified LabVIEW Associate Developer” сертификатланган имтиҳонни топшириш учун тингловчиларни тайёрлаш; NI томонидан ўтказиладиган техник семинарлар ва бошқа анжуманларда қатнашишни таъминлашдан иборатдир.

— NI ELVIS ягона платформаси олий таълим муассасалари ва коллежларда амалиёт ва ўқув лабораторияларини ишлаб чиқиш ҳамда ташкил этишда негиз сечим ҳисобланади, — дейди TATU “Электроника” кафедраси муdiri Хайрулла Орипов. — Бу марказда талабалар кўп сонли аналог ва рақамли схемаларни лойиҳалаштирадиганлар, электрон схемалар ва таркибий қисмларини MultiSim 10.1 визуал муҳитида тизим ва қурилма аналогларини моделлаштирадиганлар, сўнгра UltiBoard



TATU талабалари ва ўқитувчилари ўз илмий ишларини олиб боришда кўпроқ имкониятга эга бўлдилар.



ларни амалга ошириш учун қўлайликлар яратишда кўмаклашишини таъкидлаб ўтди. Сўнгра NI корпорацияси фаолиятига бағишланган тақдимот ўтказди.

Тақдимот яқунлангач, барча иштирокчилар марказ фаолияти, замонавий технологиялар имкониятлари билан танишишди.

Марказнинг вазибалари TATU ва унинг филиаллари талабалари, аспирантлари ва мутахассисларини LabVIEW муҳитида дастурлаш ва National Instruments корпорациясининг муаллифлаштирилган дастурлари ҳамда курслари бўйича аппарат таъминоти билан ишлашга ўргатиш;

дастурий муҳити ёрдамида прототипини реал асосда йиғадилар. Яқунда ишланманни NI ELVIS таркибига киритувчи қурилмалар асосида синондан ўтказадилар. Бунда улар ягона платформада маҳсулот яратиш тўлиқ жараёнини, яъни қурилманинг реал прототипини моделлаштиришдан то тестлашгача бўлган жараёнини кузатиш имконига эга бўладилар.

TATU 4-босқич талабаси Азиз Отаниёзов, 2-босқич магистранти Шунқоржон Тошматов ҳамда докторант Нодира Алимовалар ўз илмий ишларини тайёрлашда NI ELVIS қурилмалари ва LabVIEW муҳитидан фойдаланишмоқда.

Лутфилло ТУРСУНОВ

National Instruments корпорацияси ҳақида

NI корпорацияси 1976 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда моделлаштириш, бошқариш ва тестлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш, саноат дастурий маҳсулотларини яратиш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

Ахборотлаштирилган инновацион технологияларни таълим, илм ва муҳандислик йўналишларида таъбиқ этиш, замонавий интерфейс воситалари ва компютерли ўлчов ускуналардан фойдаланиш NI корпорацияси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

NI корпорацияси узоқ давр мобайнида таълим жараёнига энг замонавий технологияларни таъбиқ этишга ёрдам берган ҳолда жаҳонда кўплаб муҳандислик мактаблари ва университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Микроэлектроникдан бошлаб робототехникаларгача бўлган турли техник йўналишларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун жаҳондаги 8000га яқин ўқув муассасалари NI технологияларидан фойдаланиб келмоқдалар.

9 май Хотира ва кадрлаш куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотларда ҳам катта тантана билан нишонланди. Шу куни соҳа ривожига муносиб хисса қўшган азиз инсонлар номи ёд этилди, ёши улуг устоз алоқачиларга иззат-икром кўрсатилди.

Иззат-икром

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида бу санага ҳар йилгидек қизгин тайёрларлик кўрилиб, тўқис дастурхон тuzалди. Дошқозонларда палов дамланди. Ҳурматли устозларни филиал фахрийлар кенгаши раиси Умид Соатов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоев, корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов, фахрий алоқачилар Раъно Маҳмудова, Равиля Карамшина, Пелогоя Половых ва бошқалар самимий муборакбод этишди.

— Корхонада 43 йил меҳнат қилганман, — деди фахрийлар номидан сўз олган Пелогоя Ивановна хурсандчилик билан. — Пенсияга чиққанымдан бери бирор йил йўқки, бу улуг кунга мени тақлиф этишмаган бўлса. Биз нурунийларга қаратилмаётган юксак эътибор учун филиал раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Тошкент радиотелевидение узатиш марказининг ташкил этилганига бу йил чорак аср тўлди. Бу давр ичида марказда кўплаб бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бу эъзу ишларнинг бевосита иштирокчилари бўлган 14 нафар алоқачига Хотира ва кадрлаш кунига бағишланиб ўтказилган тантанали тadbирда алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

— Сизлар бизнинг фахримизсиз, — деди совғаларни топширар экан марказ директори Рустамжон Раҳмонбердиев. — Корхонамиз томонидан алоҳида хизмат кўрсатиш сифати ортишида сизларнинг хизматингиз беҳис. Бахтимизга соғ-омон бўлиб, узоқ йиллар бирга ишлаш насиб қилишини сўраймиз.

Тadbирда, шунингдек, ходимлар ўртасида беш йилдан бери ўтказиш анъанага айланган спортнинг шахмат, шашка ва стол тенниси мусобақаси голибларига ҳам эсдалик совғалари топширилди. Марказ касаба уюшмаси кўмитаси раиси Абдумутал Пўлатов мусобақалар бу йил ўзгача кўтаринкилик билан ўтганини алоҳида таъкидлади.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, уларга турли озиқ-овқат маҳсулотлари элтиб бердилар ҳамда Тошкент шаҳрининг зиёратгоҳ жойларига олиб бордилар.

Ҳар бир уруш қатнашчиси ва фронт ортида меҳнат қилганларнинг расмлари ва қисқача биографик маълумотлари Ўзбекистон алоқа музейига топширилди.

6 май куни Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган ҳарбий-спорт байрами ўтказилди. Унда ҳарбийлаштирилган эстафета, минн-футбол, гандбол, волейбол каби спорт мусобақалари ташкил этилди. Мусобақалардан сўнг қатнашчиларга байрам концерти намойиш этилди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари тadbирдан сўнг бир пиёла чойга тақлиф этилдилар. Тadbирда фахрийларнинг 6 нафари иштирок этишди. Уларни келиб-кетишлари учун транспорт ташкил этилди. Иштирок эта олмаганларнинг уйларига бориб табриклаб келинди.

TATUнинг ҳудудий филиаллари ва академик лицейларида ҳам фахрийларга эҳтиром кўрсатилди.

Эъзоза КАРИМОВА

Ҳам қарз, ҳам фарз

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали, “Ўзбектелеком” АК “Қашқадарё Телеком” ва “ЎзИ-Қарши” филиаллари меҳнат жамоаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийларга ЎзААА томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари, Агентлик Бош директорининг табриқномаси ва пул мукофотлари, ғалабанинг 65 йиллиги юбилей медаллари алоқа соҳаси ташкилотларининг раҳбарлари, мудофаа ишлари бўлимининг вакиллари иштирокида топширилди. Фахрийларнинг хонадонларида мулоқотлар ўтказилди.

Бу каби тadbирлар алоқачиларнинг касб байрамига уланиб кетди. Меҳнат жамоалари байрам тadbирларида эришилаётган ютуқлар, фахрий алоқачиларнинг бой меҳнат тажрибаси тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

ЎзАААнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси, TATU Қарши филиали, махсус алоқа боғламаси, вилоят алоқа корхоналари раҳбарлари алоқачилар кунинда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида вилоятнинг Миришкор тумани Жейнов қишлоғида истиқомат қилаётган алоқа соҳаси ходимлари — Араббой Раззоқов, Эломон Кенжаев, Мирзақул Шоимовлар хонадонларида бўлишиб, қишлоқ аҳлининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига бўлган эҳтиёжи, бу борада кўрсатилаётган хизматлар, қилинаётган ишлар хусусида қишлоқ фаоллари билан мулоқотда бўдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Xalqaro haqot



УЧУВЧИСИЗ АППАРАТ ХУЖУМИ

AFP хабарларида айтилишича, Покистоннинг шимоли-ғарбидаги қишлоқлардан бирига АҚШнинг учувчисиз аппарати ҳужум қилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳужум туфайли ўн киши қурбон бўлган. Бирлашган қучлар вакили ҳалок бўлганлар жангарилар эканлигини таъкидлаган.

Покистоннинг Афғонистон билан чегара ҳудудларида илгари “Ал-Қоида” ва “Толибон” сафила ҳаракат қилган жангарилар жойлашиб олган. Шу боис АҚШ ҳарбийлари ушбу ҳудудларни мунтазам ракетадан ўққа тутишади. Ҳужумлар пайтида тинч аҳоли ҳам зарар кўраётгани сабабли расмий Исломобод бир неча бор норозилик билдирди. Аммо Вашингтон ҳужумларни тўхтатмоқчи эмас. Ўтган йили уюштирилган ҳужумлар натижасида “Толибон” гуруҳининг бир неча йўлбошчиси ҳамда 600 нафар жангари ўлдирилган.

ПОРТЛАШ САБАБИ НОАНИК

Россия пойтахти Москва шаҳридаги тураржой биноларидан бирида портлаш содир бўлган. Шаҳарнинг жануби-ғарбидаги проспектлардан бирида содир бўлган ушбу кўнгилсизлик оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган. Портлаш сабабларини аниқлаш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Малайзия-Туркия:

ХАРБИЙ БИТИМ ТУЗИЛАДИ

Малайзия Туркиядан 250та Pans ноли бронетранспортёр сотиб олмоқчи.

Defense News хабар беришича, яқин кунларда ушбу масала юзасидан шартнома имзоланади. Шартноманинг баҳоси 500 миллион долларни ташкил этади ва Туркиянинг жорий йилдаги энг йирик ҳарбий техника экспорти ҳисобланади.

Pans бронетранспортёри FNSS компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Компания акцияларининг қатта қисми Туркиянинг Nuro Holding корпорациясига тегишли. 2009 йили корпорация Туркия қуроли кучларига минта шундай бронетранспортёр етказиб берган.

ИНДОНЕЗИЯДА ЗИЛЗИЛА

Индонезиянинг Суматра оролида зилзила содир бўлди.

“Рейтер” агентлиги хабарига қараганда, ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,4 баллни ташкил этган. Табиий офат маркази Банда-Ачех шаҳридан 225 километр узқликда қузатилган. Вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Птолемей IV ХАЙКАЛИ ТОПИЛДИ

Мисрлик археологлар Искандария шаҳри яқинида олиб бораётган қазилмалар чоғида улкан тарихий қийматга эга топилмага дуч келишди. Мамлакат қадимшунослик бўйича олий кенгаши раҳбари Захи Хавасснинг баёнот беришича, ушбу топилма эрамыдан аввалги 221-205 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган птолемейлар сулоласи вакилининг ҳайкалидир.

Тарихчи олимлар бу ҳайкал Птолемей IV га тегишли бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Негаки, у айнан Птолемей IV барпо этган кўҳна ибодатхона ёнидан топилган. Қора гранитдан маҳорат билан ишланган бу улкан ҳайкалнинг бош қисми сақланиб қолмаган.

Эслатиб ўтамиз, птолемейлар сулоласига Александр Македонский Мисрни босиб олган асос солинган. Малика Клеопатра сулоланинг сўнгги вакили ҳисобланади.

FUTUROLOGIYA

Олим ТОШВИШИ

Замонавий тараққиёт натижасида рақамли маълумотлар шунчалик кўпайиб кетдики, оқибатда уларни ёзиш учун қурилмалар етмай қолиши мумкин. Intel компанияси тадқиқот лабораторияси директори, профессор Жим Хилд Брюсселда қилган маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди.

“Биз ҳозир зеттабайтлик (триллионлаб гигабайт) диапазонга етиб келдик ва тез орада йоттабайт (квадриллион гигабайт) асри бошланади ва ахборотни бошқариш мушкуллашиб кетиши мумкин”, деди у жумладан.

Маълумотнинг кўпайиб кетиши интернет-сервислар, юқори сифатли видеокамерага эга

мобил телефонларнинг кенг оммалашётгани ва корпоратив ахборот тизимларига талаб ошаётгани билан изоҳланади.

Мисол учун АҚШдаги энг йирик чакана савдо тармоғи Walmart ўз маълумотлар базасига бир дақиқада миллиардлаб ёзувларни киритмоқда. YouTube видео хизмати эса барча тижорий телеканаллар йил бўйи узатадиган дастурлардан кўп маълумотларни ўзига жамлаган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили рақамли контент рекорд – 62 фоизлик ўсишни қайд этганди. Агарда жами маълумотлар DVD-дискларга жамланса, ва улар устма-уст қўйилса Ойга бориб-қайтишга тенг масофа юзага келади.

WWW

Арабча интернет

Интернет тарихида илк бора лотин алифбосида ёзилмаган номлар пайдо бўлди.

Сайтларни номлаш тизimini назорат қилувчи ICANN (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers) ташкилотининг маълум қилишича, домен номларини араб тилида киритиш имконияти Миср, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида яратилган.

XAVFSIZLIK

51 миллиард долларлик зарар

Business Software Alliance (BSA) ва IDC компаниялари 2009 йил интеллектуал қароқчиликка қарши курашиш якуний ҳисоботини тақдим этишди.

Унга кўра, ўтган йили бу хуруж янада кучайган. Жумладан, қароқчилик дастурий маҳсулотлари улуши 2 фоиздан 43 фоизгача ўсган. Ахборот технологиялари соҳасида қароқчиликдан кўрилган умумий зарар дунё бўйича 51 миллиард долларни ташкил этган.

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлида

Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Уларнинг билим олишлари, жисмонан ва маънан баркамол воёга етишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз келажаги мана шу ёшлар қўлида эканлигини ўз чиқишларида кўп бора таъкидлаган. Хусусан, Президентимиз жорий йилнинг январ ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи йиғилиши ва Сенат ҳамда Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида қилган маърузаларида ҳам ёшлар билан боғлиқ фикрларини ўртага ташлаб, келажакда бу борада бажарилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берган эди. Баркамол авлод йили Давлат дастурида ҳам бу вазифалар ўз ифодасини топган.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтган йили ҳуқуқий тарғибот гуруҳи тузилган эди. Ушбу гуруҳ аъзолари ҳозирга қадар мамлакатимизнинг 50та туманида “Ҳуқуқий етуклик баркамолликка элгали” мавзuida тадбирлар ўтказди. Ана шу учрашуларда Баркамол авлод йили Давлат дастури доирасида ёшларимиз учун яратилаётган имкониятлар олдий, халқчил тилда иштирокчиларга тушунтирилди. Тарғибот гуруҳининг мавзулари кенгайиб бормоқда. Шу боис гуруҳ таркибига туман ва шаҳар ҳокимликлари масъуллари, маҳалла фаоллари, коллеж ва лицейларнинг ҳуқуқшунос ўқитувчилари, ФХДЁ, нотариат ва суд департаменти вакиллари ҳам тақлиф қилинди. Гуруҳ аъзолари Тошкент вилоятининг Чирчиқ

шаҳри ва Оққўрғон туманидаги лицей, коллеж ўқувчилари билан учрашиб, ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказишди. Учрашуларда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар моҳияти, уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалалари, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун мурожаат қилиш тартиблари, истезмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳужжатларнинг ҳамда солиқларнинг давлат ва жамият ривожига аҳамияти ва бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти кўргазмалли слайдлар орқали намойиш этилди. Ўтказилаётган тадбирлар ва ҳуқуқий масалаларга ёшларимиз бефарқ эмаслиги мени хурсанд қилди. Уларнинг кўплаб саволларига батафсил жавоб беришга ҳаракат қилдик. Қилинган маърузалар дискларга ёзилиб, мамлакатимизнинг барча ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртурига тақдим этилиши ҳам ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Адлия вазирлиги мутахассисларининг хабар қилишича, тарғибот гуруҳининг бундай тадбирлари Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чекка ҳудудларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган экан. Биз нотариал идоралар вакиллари ҳам мазкур тадбирларда иштирок этиб, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўз ҳиссамизни қўишни бурчимиз деб биламиз.

Шаҳноза ТҮЙЧИЕВА,
Қирғай туманидаги 1-давлат
нотариал идораси нотариуси

Эзоз

Байрам арафаси эди. Дарвоза тақиллаши уйку элитган Қудрат бобони хушёр тортирди.

— Ташқарига қаранг, кимдир чақиряпти, — деди ошхонада қўйманлиб юрган келинига.

Келин дарвозага йўналди. Кўчада ўн чоғли одамлар кўринди. Келин шоша-пиша эшикни очиб, уларга пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, келинлар.

— Эсон-омон ўтирибсизларми? Ҳокимиятдан, маҳалладан бобони йўқлаб келгандик, — қўлида пакет билан Сайфулла Болтабоев ичкарига йўл бошлади.

— Шукур, тинчмиз, — деди Санталат келин ўнг қўли кўксига, очиқ чеҳра билан. — Собирбек ота, меҳмонларни тўғри бошлаб келавермабсиз-да.

Меҳмонлар — Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, туман "Маҳалла" жамғармаси, маънавият-маърифат маркази вакиллари, "Алло" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайфулла Болтабоев, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнора Зоҳидова, диний-маърифий ва ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Шохиста Юсупова, кўчабоши Собирбек Ҳақимов, маҳалла фаоли Абдуали Жўрабоев эди.

— Эртага улуг айём. Бобони ҳам кўргани, ҳам табриклагани келдик, — деди Сайфулла ака. — Ичкарида бўлсалар керак-а.

— Ха, ҳа, киринглар...

Кенг уйнинг бир бурчагидаги хонтахта ёнида пешонасини қаватқават ажин босган, куюқ қошлари қора, лекин нуруний юзига файз бағишлаб турган чиройли соқоли қордек оппоқ Қудрат бобо ёстиқча суяниб ўтирарди. Келганлар ҳўрматига ўрнидан кўзгалгандек бўлди. Меҳмонлар бобонинг икки тарафидан жой олишди. Қўллар дуога очилди. Бобо йўқлаб келганларни узоқ дуо қилиб, сўнг ёппасига сўрашди. Дастурхонга нон, мева-чева, қанд-курс қўйилди.

— Мана бу маҳаллаимиз номидан байрам совғаси, — деди Сайфулла ака қўлидаги пакетни бобонинг ёнига қўйди. — Бахтимизга юз билан юзлашиб, соғ-саломат юринг. Бу кишиларнинг ҳам, — у туман ташкилотлари вакилларига ишора қилди, — совға-саломлари бор экан.

— Президентимиз Ислоҳ Қаримов Фармонига кўра, "1941-1945

йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медал ва икки юз минг сўм пул мукофоти билан тақдирландингиз, — дея ҳокимлик вакили пулни бобонинг олдига қўйди, юбилей медалини эса қарсақлар остида кўкрагига тақди.

Сўнг бошқалар ҳам бирин-кетин совғалар, гуллар топширишди. Бобонинг юзида табассум, кўзларида қувонч балқиди, беихтиёр қўлларини дуога очди.

— Илоҳи омин, биз — кексаларни доимо қўллаб-қувватлаб, беқиёс ғамхўрлик, эъзоз-эътибор кўрсатаётган, юрда тинчликни, элда тотувликни асраб келаятган Президентимизнинг умрлари узоқ, иқболлари баланд, мартабалари янада улуг бўлсин! Сизлар ҳам пиру балават яшаб, менинг ёшимга кириб юринглар, — дея қўлларини юзига тортиди...

— Кўча-кўйда камнамозсиз? — Ёнма-ён ўтирган Абдуали ота бир муддат ўтгач, бобога сўз қотди.

— Қарилкми, бу йилдан юрсам чарчаб қоляпман, — Қудрат бобо отага юзланди. — Ҳеч қаерим оғримайди, куч йўқ, куч. Тўқсон учга кираяпман, белда қувват қолибдими? Аммо юракда ғайрат кўп, шаҳарни айлангим, ўзгаришларни кўргим келади. Бултур анча тетик эканман, байрамда Фатхилла ўғлим мен билан Раҳматилла неварасини Мустақиллик майдонига олиб борди. Роса айландик, суратларга тушдик. Ўзимиз ниҳоятда гўзаллашиб, чирой очилди.

— Урушни эсласам, ҳозир ҳам этим жунжакади, ўғлим. Бизлар кўрдик, сизлар асло кўрманглар. Урушнинг беш йили ҳозирги тинч-тотув кулларнинг лаҳзасига ҳам арзимайди. Қанийди, буни ҳамма ҳам тушунса, қадрига етса... — уруш деса ҳаловати йўқоладиган бобо бир муддат жим қолди, сўнг тизгинсиз халёллар уни суронли йилларнинг олис хотираларига етаклади...



...1939 йили хизматга чақирилган Қудрат Исмамов Украинадаги ҳарбий қисмга тушди. Душман Полшани босиб олгач, энди жангтоҳ бир қадам эди. Уруш муқаррар. Фашистда лафз борми, сулҳни бузиб, тулпуғини қайтиб олаверали. Шу боисдан, чегарани, унинг ортини мустаҳкамлаш, захира ғамлаш, ҳарбий машғулотлар бир зум тўхтамайди. Бир кечаси уларни ҳам қалин ўрмонга олиб боришди. Уч-тўрт ой хандақ қазиб, ўқ отишни машқ қилишди. Кутилганидек, бир тонготар маҳали уруш бошланиб, кеча-ю кундузнинг, кун билан ойнанинг фарқи бўлмай қолди. Қудрат қуролдош дўстлари билан нене шаҳар-қишлоқларни ҳимоя қилишда ва озод этишда ширин жонини тикиб, жангга кирди. Неча бор яраланиб, даволангач, яна жангтоҳга қайтди.

Сталинград остонасидаги жанглар, айниқса, шиддатли кечди. Бир куни соқчиликда турганди. Қараса, яқин жойда фашист разведкачиси юрибди. Аввал қараб турдида, сўнг милтиқни унинг мангалига тўғрилаб, затворни шарақлатди. Шунда чап елкасини нимадир жизиллатиб куйдирди. Газанданинг шериги бор экан.

Дарров уни ҳам мўлжалга олиб, ер тишлатди. Яраси енгил эди, ўзи қисқа фурсат даволаниб, яна сафга қайтди.

У 1946 йили ғолиблар қаторида қадрдон Тошкентига кириб келди. Уйда эса... уни "ўлди"га чиқарган онаси Муҳаррам ая ёлғиз ўғлига аза очиб, қора кийганди. Қудрат бир муддат Полша ўрмонларида маҳаллий партизанлар билан душманни қувиб юрганида адашиб уйига "қора хат" жўнатишган экан. Бу хабар онани тўшаққа ётқизиб қўйди. Ўғлини кўргач, "Болам, сен тирикмидинг", деб йиғлаб юборди. Қудрат довлидаги одамлар олдига онасини опичлаб кўтариб чиқди...

Урушдан қайтгач, икки йилча радиокомитетда радиомагнитофонлар устаси бўлиб ишлади. 1948 йилдан "Главпочтамт"нинг темирйўл бўлимига ишга кирди. Хат-хабарларни, жўнатмаларни вагонларга ортиш-тушириш, баъзан почта вагонларини манзилга етказиш билан шуғулланишарди. "Дарахт бир жойда кўкаради", деганларидек, Қудрат Исмамов бу ерда ўттиз йил меҳнат қилди. Оддий ишчиликдан смена бошлиғи бўлди. 1978 йили меҳнат нафақасига чиқди.

Урушдан қайтганининг кейинги йили Қудратнинг Шарофатхон билан ширингина тўйлари бўлди. Улар беш ўғил, тўрт қизни оқ ювиб, оқ тараб, катта қилишди. Иккинчи ўғли Зийнатилла ота касбини танлаб, алоқа соҳасида меҳнат қилмоқда.

— Мустақиллик юртимизга чинакам бахту иқбол берди, — деб дикоясини яқунлади бобо. — Мен халқига, ободончилик ишларига шунчалик қайишган раҳбарни эслолмайман. Биргина шахримизни олиб кўрайлик. Пойтахтимизнинг 2200 йиллигига, "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" деб эътироф этилиши муносабати билан улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Буни Мустақиллик майдонига борганимда ҳам чуқур ҳис этдим. Болаларим, невараларим Миллий боғ, Ҳазрати Имом мажмуаси, Шаҳидлар хиёбони ва бошқа жойлардаги ўзгаришларни, мухташам иморатлар, баланд кўприклар, кенг, равон йўлларни фахр-ифтихор билан гапиришарди. Шундай хайрли ишлар бунёдкори, қуришлар меймори ҳаққига барчамиз яқдил бўлиб дуо қилайлик.

Эргаш ИБРОҲИМОВ

— 1941 йилда акаларим фронтга жўнашди. 1942 йил 3 сентябрда мениям ҳарбий хизматга чақирилди, — дейди Қаримбой бобо. — Уруш ўз номи билан уруш. Ўқ ёмғирлари остида Москва остоналаридаги жангларда қатнашдик. 1943 йил феврал ойларига келиб немис омборхоналарини вайрон қилиб, Великие Луки шаҳрини душманлардан озод қилдик. Ҳеч эсдан чиқмайди, Шарқий Пруссия учун бўлган жанг жуда даҳшатли кечди. Кёнигсберг шаҳригача душман билан юзма-юз жанг қилдик. Азиз ватандошларимиздаги Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат ғалабага олиб келди.

Қаримбой ота уруш таассурот-

Сўнмас хойтиралар



лари ҳақида ҳаяжон билан узоқ гапирди.

1946 йил апрел ойида урушдан қайтган отахон яна жамоа ҳўжалигига табелчилик қила бошлади. 1947 йилда Чоржўй — Урганч темир йўли қурилишда қатнашди.

— Почта алоқаси соҳасига ишга киришимга сабабчи, — дейди отахон, — кўшнни қишлоқдаги қуролдош дўстим, туманимиздаги "Қуриқтом" алоқа бўлими хабарчиси Қутлимурод

Авезов бўлди. Мен ҳам қишлоғимиздаги "Каттабоғ" алоқа бўлимига 1967 йилдан хабарчи бўлиб ишга кирдим. Қисқа муддатда бўлим бошлиғи Тожибойдан хабарчилик сир-синаотларини ўрганиб олдим. Кўпнинг дуосини олганимданми, эл ҳўрматига ҳозир ҳам сазоворман. Дўстим Қутлимурод билан 1988 йилгача шу касбда ишлаб, пенсияга чиқдик. Хабарчилик вазифасини ўғлим Ражаббойга, дўстим Қутлимурод эса ўғли Одамбойга топширди. Ҳозирги кунда болаларимиз эл-юрт, корхонамиз олдида эътиборга лойиқ, ўз касбини ардоқлаб ишлаб келмоқда. Ҳаётимдан нолимайман. Туман почта алоқаси тармоғи раҳбарлари доимо аҳволимиздан хабар олиб туришарди.

Садулла ОТАНИЕЗОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Хоразм филиали бош мутахассиси



ФИЛИАЛ «ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ» ПОДТВЕРДИЛ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ ИСО 9001:2008

Прошел год с того момента, как 7 мая 2009 года филиал «Тошкент телеграф-телефон станцияси» Акционерной компании «Узбектелеком» получил Сертификат соответствия системы менеджмента качества требованиям международного стандарта Q'z DSt ISO 9001:2002 (ИСО 9001:2000).

С 28 по 30 апреля 2010 года проведен инспекционный аудит, который показал, что коллективом филиала решен ряд вопросов для поддержания и улучшения системы менеджмента качества, таких как, расширение области действия системы на новые виды услуг и актуализация документации системы менеджмента качества с учетом изменений новой редакции стандарта Q'z DSt ISO 9001:2009 (ИСО 9001:2008). В отчете об инспекционном аудите системы сертификационного органа ООО «DIGART-SERT» отмечены положительные свидетельства, такие как:

- проведение обширного опрос-анкетирования по удовлетворенности потребителей, его анализ и проведение мероприятий по улучшению обслуживания клиентов;
- хорошее состояние документации, обеспечивается актуализация внешних и внутренних нормативных

документов, обеспечен свободный доступ документации системы менеджмента качества;

- высокая квалификация персонала и знание своих должностных обязанностей;
- определены и реализуются производственные процессы, регулярно осуществляется мониторинг результатов процессов по критериям, составляются отчеты, которые анализируются руководством филиала с принятием планов по мероприятиям по улучшению.

Руководство и персонал филиала уверены, что применяемые методы менеджмента помогают структурным подразделениям, независимо от отдельных дестабилизирующих факторов, иметь целевую направленность по качеству, а разработанная система менеджмента качества является основой для развития и посто-

янного улучшения всех процессов филиала с целью:

- постоянного повышения удовлетворенности заказчиков предоставляемыми услугами;

- упорядочения взаимодействия между структурными подразделениями, разграничения и определения ответственности различных подразделений, участвующих в одном процессе;

- упорядочения работы с персоналом;

- установление в филиале системы раннего обнаружения и исправления несоответствий, а также своевременного их предотвращения;
- достижения прозрачности деятельности филиала путем применения процессного подхода и упорядочения работы с документацией и записями.

Филиал «Тошкент телеграф-телефон станцияси» стал первым филиалом в Акционерной компании «Узбектелеком», получившим Сертификат соответствия системы менеджмента качества, что явилось логическим продолжением выбранного современного подхода в деятельности предприятия.

«НАСТАВНИК-УЧЕНИК» В ГРУП «UNICON.UZ»

В каждом коллективе происходит смена поколений. На смену сегодняшним видным и авторитетным ученым придет молодежь, сегодня выбравшая в приоритете науку и знания. Несомненно, что сам по себе ни один из сегодняшних студентов, магистрантов не станет полноценным ученым без наставнической школы, в которой он обучится всем премудростям научной деятельности. В связи с этим внедряется система школы обучения ведущими сотрудниками молодых специалистов.

Молодой коллектив государственного унитарного предприятия «UNICON.UZ» сегодня воспитывается в его лучших традициях. Так с марта месяца внедрена система «Наставник-ученик».

Известно, что в Центре трудятся на постоянной и договорной основе два академика, более 10 кандидатов наук, доктор наук и научные сотрудники. Их труд и ежедневное общение с ними, опыт, знания, умение работать с научными материалами, принципы исследования, накопление и использование полученных знаний при необходимости — является уникальной возможностью для молодежи, делающей первые шаги в интересный и в тоже время кропотливый мир науки.

Их знания, опыт и навыки необходимо передать следующему молодому поколению, а они составляют более 70% всего коллектива Центра. В связи с этим было решено внедрить в коллектив известную и давно зарекомендовавшую себя лучшей стороной систему «Наставник-ученик». С ее помощью ученые могут поделиться своим ценнейшим научным багажом с молодыми специалистами,

которые сегодня являются студентами, магистрантами, аспирантами, соискателями Ташкентского университета информационных технологий, Узбекского университета мировых языков, Ташкентского государственного юридического института, Узбекского национального университета, Ташкентского государственного института востоковедения, Санкт-Петербургского государственного университета телекоммуникаций.

Среди наставников видные ученые, внесшие весомый вклад в развитие сферы связи и информатизации Узбекистана и продолжающие сегодня трудиться на благо узбекской науки — академики Д.А.Абдуллаев, Т.Д.Раджабов, доктор технических наук П.Ф.Хасанов, М.М.Мухитдинов, кандидаты наук Р.И.Исаев, С.П.Ган. Каждый из названных наставников авторитетный ученый, в области криптологии, радиосвязи и др.

Наряду с учеными молодые кадры будут обучать и заместители директоров А.Н.Файзуллаев и Х.П.Хасанов, руководители научно-исследовательских департаментов, отделов, а также соискатели.

Для внедрения системы к каждому представителю молодого поколения прикреплен ученый. Сегодня учеными разрабатываются перспективные планы, согласно которым и будет продолжаться работа с будущими учеными. Именно они придут на смену сегодняшним авторитетным ученым сферы связи и информатизации Узбекистана. Благодаря взаимодействию ученых и молодежи в Центре есть преемственность поколений.

Умид УМАРХОДЖАЕВА

«КОРПОРАТИВНЫЙ GOOD'OK»

«МТС-Узбекистан» сообщает о том, что корпоративные клиенты МТС первыми в Узбекистане смогут воспользоваться уникальной услугой «Корпоративный Good'OK», которая позволяет заменить обычные длинные гудки ожидания на корпоративные мелодии или голосовые сообщения.

Услуга «Корпоративный GOOD'OK» — это уникальный сервис, при помощи которого корпоративные клиенты смогут устанавливать на телефоны сотрудников своей компании вместо привычных длинных гудков корпоративную мелодию или полезную голосовую информацию. Воспользовавшись данной услугой, корпоративные клиенты смогут подчеркнуть корпоративный стиль и инновационность компании.

Услуга «Корпоративный GOOD'OK» позволяет: Установить для номеров компании корпоративную мелодию, которая ассоциируется с брендом или деятельностью компании и которая будет звучать при всех входящих звонках вместо привычных сигналов вызова, в зависимости от времени суток или дня недели;

Донести до своих партнеров полезную информацию до начала телефонного разговора (например, время работы офиса, информацию о продуктах или услугах Вашей компании).

«Мы уверены, что услуга «Корпоративный GOOD'OK» приобретет широкую популярность среди наших корпоративных клиентов. Ведь данная услуга предоставляет дополнительные возможности донести нужную информацию до клиентов, что, в свою очередь, повысит эффективность бизнеса наших корпоративных клиентов», — отметил заместитель генерального директора по коммерции «МТС-Узбекистан» Н. К. Шадманов

Более подробную информацию об услуге «Корпоративный GOOD'OK», а также о стоимости заказа мелодий можно получить на сайте www.mts.uz, в Контактном центре по номеру 0990 или в офисах обслуживания абонентов.

«БИЛАЙН» РАЗЫГРАЕТ 14 КОМПЬЮТЕРОВ

«Билайн» объявляет о розыгрыше призов по итогам акции «Просто общайся и выиграй компьютер», который состоится в 10:00 15 мая 2010 года в Центральном офисе «Unitel».

Напомним, что с 6 по 30 апреля каждому абоненту предоплатной системы расчетов «Билайн», ежедневно пользующемуся услугами сотовой связи, был предоставлен шанс выиграть один из 14 компьютеров.

Комментируя событие, старший менеджер по связям с общественностью «Unitel» Ораз Абдуразаков сказал: «Мы гарантируем полную прозрачность субботней акции: нашим абонентам предстоит принять самое деятельное участие в процессе определения победителей. Что касается ежедневного пользования услугами «Билайн», ставшего основным условием проекта, то к нему причислены не только исходящие звонки и SMS, но и MMS, сессии мобильного Интернета, платные дополнительные услуги, а также пополнение баланса».

Для каждого филиала «Unitel» предназначено по одному компьютеру. Таким образом, в розыгрыше примут участие абоненты Ташкентского, Андижанского, Бухарского, Джизакского, Каракалпакского, Кашкадарьинского, Кокандского, Навоийского, Наманганского, Самаркандского, Сурхандарьинского, Сырдарьинского, Ферганского и Хорезмского филиалов компании.

Призы победителям будут предоставляться при предъявлении оригинала паспорта с действующими данными о прописке, идентификационного номера налогоплательщика и SIM-карты, на которую был зарегистрирован счастливый номер.

Список победителей будет опубликован на сайте www.beeline.uz.

Хабар +tv

OXBORSTON

- 5.55 Курсатувлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 6.00 «Илим».
- 7.10 «Икки тақдир» Т/с.
- 7.50 «Тонги наволар».
- 8.00 «Тахлинома».
- 8.45 - 9.45 «Мазъанаят» дастури.
- «Болалар сабабаси».
- 9.45 «Болалар дунёси».
- 10.15 «Бахт узи нима?» М/ф.
- 10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
- 11.00 «Ахборот».
- 11.15 «Менинг оилам».
- 11.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қандай гузал бу дунё».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 12.50 «Илим».
- 13.00 Миллий кино: «Пайда».
- 14.00 «Ахборот».
- 14.20 «Ватангарвар».
- 15.00 «Илим».
- 15.05 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар хаёти».
- 15.55 «Эл тинчилиги йўлида».
- 16.15 «Ватан манзиллари».
- 16.40 «Икки дарё оралигида».
- 17.00 «Ахборот».
- 17.15 «Мозий сирлилик».
- «Болалар сабабаси»:
- 17.35 «Эртақлар - яшилликка етаклар».
- 17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
- 18.00 «Олтин мерос».
- 18.10 Миллий сериал: «Имон».
- 18.55 2010 йил - Барқамол авлод йили».
- «Қамолот оstonаси».
- 19.15 «Иштирок».
- 19.20 «ТВ - шифокор».
- 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
- 19.30 «Ахборот» /рус/.
- 20.05 Миллий сериал: «Дил паянзидан».
- 20.45 «Ватанимни қўлайман».
- 21.00 «Ахборот».
- 21.40 Эркин мавзу.
- 22.00 «Бетховен вируси» Т/с.
- 22.45 «Ой ва Ўлди қиссаси» Б/ф.
- 00.15 - 00.25 «Очун».
- 00.25 Курсатувлар дастури.
- 00.35 «Ватан манзиллари».
- 1.00 «Ахборот» /рус/.
- 1.35 «Ватангарвар».
- 1.55 «Илим».
- 2.20 - 3.20 «Мазъанаят» дастури.
- 3.20 «Салом, Ўшлар!».
- 4.00 «Ахборот».
- 4.35 Телегаёт: «Тақдир».
- 5.20 «Илим».
- 5.25 «Икки дарё оралигида».
- 5.45 - 5.55 «Очун».

ДУШАНБА — 17 МАЙ

- 20.20 «Давр мавзуси».
- 20.40 «Автопатруль».
- 21.00 «Ватан меҳри».
- 21.10 «Тақдир қиссалари» Т/с.
- 21.55 «Илим».
- 22.00 «Давр».
- 22.30 Жаҳон кинеси: «Симона».
- 00.05 «Афсона ва ҳақиқат».
- 1.00 «Салом, Ўшлар!».
- 1.40 «Тасвир ва таассурот».
- 2.00 «Давр».
- 2.30 Миллий кино: «Тоғлик қубе».
- 4.10 «Тараннум».
- 5.00 «Юрт тинчилиги».
- 5.05 - 6.30 «Мимино» Б/ф.

OXBANKENT

- 7.25 Курсатувлар тартиби.
- 7.30 «Салом, Тошкент!».
- 8.35 «Икки қор ёқинда» Б/ф.
- 9.50 Мултоз наволар.
- 10.00 «Эмералда» Т/с.
- 10.30 «Болаликка қайтиб».
- 10.50 «Кароварлар».
- 11.00 «Саргузаштлар ороли».
- 11.25 «Онтарио соҳилларида воқеа» Б/ф.
- 13.00 «Салом, Тошкент!».
- 14.00 «Дунё» теледастури.
- 14.55 «Уларим».
- 15.00 «Пойтахт».
- 15.10 «Эмералда» Т/с.
- 15.45 «Янгона турмуш тарзи» Х/ф.
- 16.25 «Хушқудон маслaxати».
- 16.30 «Дамос» М/ф.
- 16.50 «Кароварлар».
- 17.45 «Тошкентнинг илм масканлари».
- 18.00 «Пойтахт».
- 18.25 «Савги тилсим» Т/с.
- 19.15 «Уларим».
- 19.20 Миллий сериал: «Чемпионлик озуғи».
- 20.00 «Пойтахт».
- 20.20 Бизнес«Пойтахт».
- 20.25 «Телекурор-маркет».
- 20.40 «Инсон матонат» Т/с.
- 21.10 «Қадр отида».
- 21.30 «Пойтахт» /рус/.
- 21.55 «Булайте здоровые».
- 22.05 «Телекурор-маркет».
- 22.20 «Кино SMS со звездами».
- 22.25 «Иллюзия полета» Х/ф.
- 00.00 «Пойтахт» /рус/.
- 00.25 Курсатувлар тартиби.
- 00.30 Ноҳий ованс: «Просто вместе» Х/ф.
- 2.00 «Болаликка қайтиб».
- 2.20 «Қадр отида».
- 2.40 «Янгона турмуш тарзи» Х/ф.
- 3.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
- 3.30 Тунги киноованс: Онтарио соҳилларида воқеа» Б/ф.

SPORT

- Профилактика
- 16.45 дар бошлайди.
- 16.45 Болалар майдончаси: «Спортландия».
- Мульфильм.
- 17.15 «Жозеба».
- 17.30 ХАБАРЛАР
- 17.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Металлург».
- 19.50 «Универсиада - 2010».
- 20.00 Саломатлик хазиначиси.
- 20.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» - «Бунёдкор».
- 21.45 ХАБАРЛАР
- 22.00 Саломатлик хазиначиси.
- 22.05 Футбол шайоқ.
- 22.45 Формула - 1. Монокло гран-приси.
- 00.30 Футбол: 1 - лига, тур

хисоботи.
00.45 Тунги хабарлар.
00.55 «Хайрли тун!».

1 БИРИНЧИ

- 04.00.08.05 «Доброе утро».
- 08.00.11.00.14.00.02.00 Новости
- 08.30 Малахов +
- 09.30 Модный приговор
- 10.25 Контрольная закупка
- 11.20 «Участок».
- 12.20 «Детективы».
- 13.00 Другие новости
- 13.25 Понять. Простить
- 14.25 «Хочу знать» с Михаилом Ширвиндтом
- 14.55 Т/с «Оружальное кольцо»
- 15.50 Федеральный судья
- 17.00 Вечерние новости
- 17.20 Т/с «След».
- 18.00 «Давай поженимся!»
- 18.55 «Жизнь меня».
- 20.00 «Время».
- 20.30 Т/с «Ермоловы».
- 21.30 «Герои». Ветер с юга
- 21.35 «Школа».
- 23.00 Ночные новости
- 23.10 «Познер».

РОССИЯ 1

- 06.00 «Утро России».
- 10.05 «Битва за сверхзвук. Правда о ТУ-144».
- 11.00 «О самом главном».
- 12.00.15.00.18.00.21.00 «Вести».
- 12.30.15.30.18.15 «Местное время. Вести - Москва».
- 12.50 Х/ф «Вперые замужем».
- 14.40 «Вести. Дежурная часть».
- 15.50 Т/с «Камчатка».
- 17.30 «Кулигин и партнеры».
- 18.35 Т/с «Бросься».
- 19.30 Т/с «Дворцовый скандал».
- 20.00 Т/с «Слово женщины».
- 21.30 «Местное время. Вести».
- 21.50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 22.00 Т/с «Вера, Надежда, Любовь».
- 23.55 «Городок».
- 00.55 «Вести +».
- 01.15 Х/ф «Ультрафиолет».

NTV

- 05.00 Т/с «Таксистка».
 - 06.00 «Сегодня утром».
 - 07.30 «Кулинарный поединок».
 - 08.30.14.30.17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
 - 09.00.12.00.15.00.18.00.22.15 «Сегодня».
 - 09.20 «Средний класс».
 - 10.00 Т/с «Столыпин».
 - Невыученные уроки».
 - 11.00 «Суд присяжных».
 - 12.30 Т/с «Адвокат».
 - 13.30 Т/с «Знаки судьбы».
 - 00.55 «Вести».
 - «Вернуть на исследование».
 - 18.30 Т/с «Десант есть десант».
 - 20.30 Т/с «Нас Волкова».
 - 22.35 «Местный понедельник».
 - 23.25 «Школа злопослов».
 - С.Шуров.
 - 00.15 «Рожков день».
 - 00.45 Х/ф «Большой вальс».
- РОССИЯ К**
- 06.00 Канал «Евронось».
 - 09.00.14.30.18.30.22.30 «Новости культуры».
 - 09.20 «Кто там...».
 - 09.55 Х/ф «Марк на краю света».

- 12.10 «Мой Эрмитаж».
- 12.40 Н.В. Гоголь. Телеспектакль «Игроки».
- 14.15 «Живое дерево ремесел».
- 14.35 «Все о собаках».
- 14.40 Т/с «Грозные камни».
- 15.35 Д/с «Остров организаторов».
- 15.50 «Зурба Соткилава и его друзья». Вокальный вечер в Большом зале Московской консерватории.
- 16.50 Д/ф «Роберт Шуман».
- 17.00 «Academia». С. Карпов.
- 17.45 Д/ф «Летний дворец. Сады таинственной императрицы».
- 18.05 «В главной роли...».
- 18.55 Д/с «Великое расселение человека». «Европа».
- 19.45 «Автомобильный слух».
- 20.25 «Острова». Олег Стриженов.
- 21.05 «Тем временем».
- 21.55 «Великие театры мира». Театр в Эдильваре.
- 22.50 Д/ф «Генетологическая сказка».
- 23.20 Д/ф «Андрей Эшпай: воплощение музыки».
- 00.00 «История».
- 01.30 Д/ф «Таксила. Первое лицо Будды».
- 01.45 Д/ф «Русский черный терьер».

СТС

- 07.00.14.30 М/с
- 08.30.10.30.16.30 Т/с «Палины дочки».
- 09.00 Т/с «Игрушки».
- 09.30.21.00 Т/с «Воронины».
- 10.00.40.01.00 Т/с «6 кадров».
- 11.00.18.30 «Галileo».
- 12.00 Х/ф «Башия ужаса».
- 13.45 Т/с «6 кадров».
- 14.00 «Хочу верить!».
- 17.00 Т/с «Ранетки».
- 19.30 Т/с «Даша молодая».
- 20.00 Т/с «Кремлевские курсы».
- 20.30 Т/с «Маргоша».
- 23.00 Х/ф «Ниндзя из Беверли Хиллз».
- 01.30 «Кино в деталях» с Ф. Бондарчуком.

ТВ3

- 07.00 М/с
- 09.00 Т/с «Альф».
- 10.00 Т/с «Притворщик».
- 11.00 Т/с «Город примельчав».
- 12.00 Т/с «Гибель империи».
- 13.00 Х/ф «Слепая ярость».
- 15.00 Разрушители мифов.
- 16.00 Т/с «Альф».
- 17.00 Т/с «На краю Вселенной».
- 18.00 Т/с «Затерянный мир».
- 19.00 Т/с «Притворщик».
- 20.00 Т/с «Менталист».
- 21.00 Д/ф «Игрок».
- 22.00 Т/с «Остаться в живых».
- 23.00 Х/ф «Первобытные».

THT

- 05.00 «Инициация».
- 06.00 «Такси».
- 06.35.10.30 М/с
- 07.30 «Комеди Клаб».
- 09.30.09.00.17.30.19.00 Т/с «Универ».
- 09.30.10.00.17.00.18.30 Т/с «Счастливы вместе».
- 13.00 Т/с «Саша+Маша».
- 13.30 Х/ф «Александр».
- 16.00.19.30 Т/с «Игрок».
- 20.00 Комедия «Очень страшное кино».
- 21.30 Т/с «Наша Russia».
- 22.00 «Дом 2».
- 23.30 «Саж».
- 00.00 «Комеди Клаб».

Хабар

2010-йил 14-май
20 (921)-son



- 6.30 «Салом, Ўшлар!».
- 7.10 «Давринг Боласи».
- 7.20 «Мультианорама».
- 8.00 «Кор алангаси» Т/с.
- 8.40 «Инсон психологияси».
- 9.10 «Тақдир қиссалари» Т/с.
- 9.50 «Хайт симфонияси».
- 16.30 Теннис. Варшава турнири.
- 17.30 Футзал. Осиё чемпионати. Хитой Тайпейи - Индонезия.
- 19.00 ХАБАРЛАР.
- 19.30 «Жасур болалар».
- 20.00 Футзал. Осиё чемпионати. Қувейт - Австралия.
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 22.00 Саломатлик хазинаси.
- 22.05 «Ринг қироллари».
- 23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. «Шуртин» - «Пахтакор».
- 00.55 Футбол. 1 - лига, тур хисоботи.
- 1.05 «Хайрли тунг».

БИРИНЧИ

- 05.00, 09.00, 11.00 Новости
- 05.10 Гении и злodeи
- 05.40 «Поезд вне расписания».
- 07.10 Смак
- 07.50 «Служу Отчизне!»
- 08.20 «Здоровье».
- 09.20 «Пока все дома».
- 10.10 «Частые гости».
- 11.15 Фавзена
- 11.50 Севастопольские рассказы. «Белая гвардия. Последний оплот».
- 12.40 «Суднейский аквариум. Расстояние страха».
- 13.10 Х/ф. «Принцесса на боках».
- 15.10 «Х/ф». Премьер-лига
- 16.50 «Недолюблиа, недожила...».
- 17.50 «Достоиние РЕСПУБЛИКИ».
- 20.00 Эксклюзив «Время».
- Информационно-аналитическая программа
- 21.00 «Мульти личности».
- 21.30 Триллер «Убийство на реке Грин».
- 23.10 Х/ф. «Частный детектив, или Операция «Кооперация».
- 00.50 Х/ф. «Великий воин Албани Скандерберг».

РОССИЯ 1

- 06.40 Х/ф «Тревожный вылет».
- 08.20 «Семь городов».
- 08.50 «Сам себе режиссер».
- 09.35 «Утренняя почта».
- 10.10 Комедия «Нэнси Дрю».
- 12.00, 15.00 «Вести».
- 12.10 «Местное время. Вести - Москва». Неделя в городе.
- 12.50 «Городок».
- 13.20 Х/ф «Грехи наши».
- 15.15 «Местное время. Вести - Москва».
- 15.25 «Вести. Дежурная часть».
- 15.55 «Честный детектив».
- 16.25 «Храм для Онегина. Повесть славы».
- 17.20 «Измайловский парк». Большой юмористический концерт.
- 19.10 Х/ф «Побочный эффект».
- 21.00 «Специ недели».
- 22.05 «Остальные корреспонденты».
- 23.05 «Девчата».
- 23.35 Концерт.

НТВ

- 04.20 М/ф.
- 04.35 Х/ф «Лэсси».
- 06.30 «Дикий мир».
- 07.00, 09.00, 12.00, 15.00 «Сегодня».
- 07.20 Лотерея «Русское лото».
- 07.45 «Их нравы».
- 08.25 «Едим дома».
- 09.20 «QuattroNotes».
- 09.55 «Спасатели».
- 10.30 «Первая кровь».
- 11.00 «Дачный ответ».
- 12.25 «Особо опасен!».
- 13.05 Д/ф «Точка невозврата. Иосиф Бродский».
- 14.05 «Своя игра».
- 15.25 Комедия «Масквичи».
- 16.15 «И снова здравствует!».
- 17.15, 18.55 «Чистосердечное признание».
- 18.00 «Сегодня». Итоги.
- 19.25 Т/с «Шериф».
- 23.00 «Авиаторы».
- 23.35 Комедия «Отметье мошенничества».

РОССИЯ К

- 05.30 Канал «Евроньюс».
- 09.10 Лето Господне. День Святой Троицы.
- 09.40 Х/ф «Сверстница».
- 11.00 Д/ф «Гавр. Позиция Бетона».
- 11.45 «Легенды мирового кино». Э.Кунн.
- 11.45 «Достоиние республики».
- 12.00 Х/ф «Домовик и кружевница».
- 13.15, 00.40 М/ф.
- 13.35 Д/с «Великие природные явления». «Великое половодье».
- 14.25 «Что делать?».
- 15.15 Х/ф «Старик и море».
- 16.40 Балет «Дон Кихот». Американский театр балета. Постановка М. Барышникова.
- 18.20 Х/ф «Роман о влюбленных».
- 20.30 «По-настоящему играть...» Е. Киндянов.
- 21.15 Х/ф «Запятнанная репутация».
- 23.10 «Джем 5». К. Байси.
- 00.10 «Легенды мирового кино». Э. Кунн.
- 00.55 Д/с «Великие природные явления». «Великое половодье».

СТС

- 07.00 Х/ф «Очевидные алиби».
- 08.45, 19.00 М/ф
- 09.20, 11.30 М/с
- 10.00 «Самый умный».
- 12.00 «Галileo».
- 13.00 «Снимите это немедленно!».
- 14.00 «Одни дома».
- 14.30 Т/с «Пляжи дождя».
- 17.00, 20.30 Т/с «6 кадров».
- 17.30 Т/с «Деваль молодежь».
- 22.00 Х/ф «Твои, мои, наши».
- 23.40 Д/с «История российского шоу-бизнеса».
- 00.40 «Видеобитва».
- 01.40 Х/ф «Да будет свет!».

ТВ3

- 07.00 Д/ф «Роковое сходство. Трагедия Андрея Ростоцкого».
- 08.00 М/ф.
- 09.15, 17.00 М/с
- 12.00 Х/ф «Дон Сезар де Базан».
- 15.00 Х/ф «Легендарное путешествие капитана Дрейка».
- 18.00 Х/ф «Подземелье драконов».
- 20.00 Д/ф «Ватинские места. Топ 10».
- 21.00 Х/ф «Партнеры».
- 23.00 Х/ф «Гремление».
- 01.15 Х/ф «Подделан крупному».

THT

- 05.00 М/с
- 07.25 Т/с «Саша+Маша».
- 07.50 «Интуция».
- 08.50 «Лотерея: «Первая Национальная».
- 09.00 «Школа ремонта».
- 10.00 «Битва экстрасенсов».
- 11.00 Т/с «Женская лига».
- 11.30 Боевик «Выкуп».
- 14.00 Т/с «Интерны».
- 16.00 Боевик «Бой с тенью».
- 16.30 Т/с «Наша Russia».
- 19.00 Боевик «Бой с тенью 2: Реванш».
- 22.00 «Дом 2».
- 23.30 «Comedy Woman».
- 00.30 «Смех без правил».

Душанба

07.00,08.30,10.05,14.10,17.00
19.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
09.30 «Топ-10»
11.30 «Агора» Х/ф
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
15.30 Мультфильм
18.30 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 Комедия по понедельникам: «ПРОСТО ДРУЗЬЯ» Х/ф
23.50 Миксер

Сешанба

07.00,07.40,08.30,10.30,13.20
17.00,18.10,19.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Просто друзья» Х/ф
15.30 Мультфильм
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
18.30 Серил «Жассига ўхшаш ийк»

21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ВОЗМЕЗДИЕ» Х/ф
00.10 Миксер

Чоршанба

07.00,08.30,10.30,13.40,17.00
19.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Возмездие» Х/ф
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Кинокурьер»
15.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
15.30 Мультфильм
18.30 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
20.30 M-files
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 Киноколлекция: «ИГРЫ РАЗУМА» Х/ф
00.30 Миксер

Пайшанба

07.00,07.40,08.30,10.30,14.00
17.00,18.10,19.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Игры разума» Х/ф.

14.30 Премьера (узб)
15.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
15.30 Мультфильм
16.30 «Baby Terra Landiya»
18.00 Prime time (рус)
18.30 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «КАЛБИМ УФРИСИ» бадий фильм
23.50 Миксер

Жума

07.00,08.30,10.30,13.20,14.30
17.00,18.00,19.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Калбим угриси» бадий фильм
14.20 Prime time (рус)
15.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
15.30 Мультфильм
17.30 Премьера (рус)
18.30 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
21.00 «Bollywood Markazida»
22.00-01.00 «HECH QACHON ALVIDO DEMANG»
Хинд бадий фильми

Шанба

07.00,07.40,10.30,14.30,18.10
19.30 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
09.00 Мультфильм
11.30 «Hech qachon alvido demang» Хинд бадий фильми
15.00 «ЧАРЛИ И ШОКОЛАДНАЯ ФАБРИКА» Х/ф
17.30 «Кулинарный гид»
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «НА ИГРЕ» Х/ф
23.50-02.30 «Другая музыка»

Якшанба

07.00,11.00,13.20,17.00,18.10
21.00 Ўзбек наволари
09.00 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.30 «На игре» Х/ф
15.00 Серил «Жассига ўхшаш ийк»
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
20.30 «Кинокурьер» (рус)
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ПРОРОК» Х/ф
23.50 Миксер

РОССИЯ 2**Душанба**

06.40 «Рыбалка с Радищевским».
06.55 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
07.30,10.00,13.10,18.55,22.55,01.40 «Вести-Спорт».
07.45,10.15,18.25,19.10,23.10 Хоккей. ЧМ.
10.10 «Вести-Спорт. Местное время».
12.30 «Индустрия кино».
13.00,18.45,22.45 «Вести.ру».
13.20 «Моя планета».
14.25 Футбол. Чемпионат Италии.
21.40 «Неделя спорта».

Сешанба

06.45 «Рыбалка с Радищевским».
07.00 «Страна спортивная».
07.30,10.00,13.10,18.55,22.55,01.40 «Вести-Спорт».
07.45,10.15,15.10,19.10,23.10 Хоккей. ЧМ.
12.30 «Скоростной участок».
13.00,18.45,22.45 «Вести.ру».
13.20 «Моя планета».
17.40 «Неделя спорта».
21.40 «Футбол России».

Чоршанба

06.25 «Неделя спорта».
07.30,10.00,13.10,19.10,23.10,01.35 «Вести-Спорт».
07.45,10.15,18.45 Хоккей. ЧМ.
12.30 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
13.00,19.00,23.00 «Вести.ру».
13.20 «Моя планета».
14.25 «Рыбалка с Радищевским».
14.40 Спортивная гимнастика. Кубок мира. Трансляция из Москвы.
19.25 «Футбол России».
20.30 Джордж Клуни в фильме «Идеальный шторм».
23.30 «Моя планета».
01.45 Футбол. Чемпионат Италии.

Пайшанба

05.25 Баскетбол. НБА. 1/2 финала.
07.30,10.00,13.10,18.55,22.55,01.40 «Вести-Спорт».
07.45,10.15,19.10,23.10 Хоккей. ЧМ.
12.30 «Точка отрыва».
13.00,18.45,22.45 «Вести.ру».
13.20 «Моя планета».
15.10 «Рыбалка с Радищевским».
15.25 Спортивная гимнастика. Кубок мира. Трансляция из Москвы.
17.40 «Футбол России».
21.40 «Моя планета».

Жума

05.25 Баскетбол. НБА. 1/2 финала.
07.30,10.00,13.10,19.10,23.10 «Вести-Спорт».
07.45,10.15,14.25,16.40 Хоккей. ЧМ.
12.30 ЧМ по футболу. Курс - Южная Африка.
13.00,19.00,23.00 «Вести.ру».
13.20 «Моя планета».
19.25 «Моя планета».
19.55 «Экспедиция «Трофи - 2010»».
21.30 Х/ф «Крутящий момент».
23.25 «Вести-Спорт. Местное время».
23.30 «Индустрия кино».
00.05 «Моя планета».

Шанба

05.25 Баскетбол. НБА. 1/2 финала.
07.30,10.00,13.10,18.40,23.10 «Вести-Спорт».
07.45,10.50,16.55 Хоккей. ЧМ. 1/2 финала.
10.10 «Вести-Спорт. Местное время».
10.20 «Будь здоров!»
13.00,23.00 «Вести.ру».
13.20 ЧМ по футболу. «На пути

к финалу».
14.20 «Моя планета».
16.10 «Индустрия кино».
19.25 Профе.Бокс. Дмитрий Чудинов (Россия) против Флавио Кардозы, Федор Чудинов против Сезара Ибарры.
21.15 Х/ф «Вышибалы».
23.25 «Вести-Спорт. Местное время».
23.35 «Моя планета».

Якшанба

05.25 Баскетбол. НБА. 1/2 финала.
07.30,10.00,13.15,18.55,21.50 «Вести-Спорт».
07.45,19.10 Хоккей. Местное время».
10.20 «Страна спортивная».
10.45 Хоккей. ЧМ. 1/2 финала.
13.00,21.40 «Вести.ру».
14.00 Теннис. Открытый чемпионат Франции. Местное время».
22.05 «Вести-Спорт. Местное время».
22.15 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
00.00 Баскетбол. Чемпионат России.

Хозирги кунда деярли барча турдаги компьютерларда тармокка уланиш ёхуд интернетга чиқиш имконияти мавжуд. Келинг, хозирда деярли барча фойдаланувчилар фойдалана оладиган шу тармокка уланиш усуллари хақида фикр юритамиз.

DIAL-UP. Телефон линияси коммутацияланган уланиш тури. Ушбу технология уланишдаги оддийлик сабабли яратилгандан буён ишлаб келинмоқда. Икки модем бир-бири билан телефон линиясини ишлатган ҳолда алоқа ўрнатади. Оддий ҳолда уланиш бирга-бир амалга оширилади ҳамда маълумот узатиш учун барча овоз диапазонларидан фойдаланилади. Лекин ушбу технологиянинг кўпгина камчиликлари мавжуд. Масалан, маълумот узатишдаги паст тезлик, ташқи таъсир туфайли юборилган пакетларнинг маълум қисми йўқолиши эҳтимоллиги, уланишнинг узилиб қолиш эҳтимоллиги ҳамда уланиш даврида телефон линиясининг бутунлай банд бўлишидир.

Кенг полосали маълумот узатиш технологияси xDSL. Ушбу технология стационар объектлар учун жуда ҳам маъқулдир. Мавжуд телефон тармоғидан фойдаланган ҳолда бемалол ушбу технология орқали юқори тезликка эга бўлиш мумкин, лекин линия мавжуд бўлмасачи? Янги линияни фойдаланувчига олиб бориш жуда ҳам қimmatга тушади. Бунинг устига ушбу технологияни ҳар бир янги фойдаланувчига ўрнатиш учун фойдаланувчи ҳам узатувчи линия томонда маълум ўрнатиш ва тузатишларни амалга ошириши лозим.

Ethernet технологияси. Локал тармок технологиясининг энг кенг тарқалган тури бўлиб, 10 Мб/с, 100 Мб/с (Fast Ethernet), 1 Гб/с ҳатто 10 Гб/с тезлик билан уланиш имкониятига эгадир. Ethernet технологиясининг ютуғи тармок структураси танланишидаги қўлайликдир. Аммо ушбу технологиянинг камчилиги, бу унинг маълум масофада ишлай олишидир. Агарда эшилган жуфт кабелни оладиган бўлсак, у ҳолда тармок масофаси 100 метрдан ошмаслиги аниқ. Узайтириш учун эса ҳар 100 метрда қурилма қўйишга тўғри келади ёки оптик толадан фойдаланиш лозим. Лекин қўшни биноларни бир тармокда жамлаш учун бу жуда қийин ҳамда қimmatга тушиши мумкин.

WI-FI технологияси орқали маълумот узатиш. Ушбу технология WI-FI (802.11a/b/g/n стандарти)да иш-

WI-MAX:

Юқори тезликдаги интернет

лаб, бино ичида 45 метр узқликда, 100 метр очик жойда бемалол катта тезликда барқарор тармокка уланиш имкониятини беради. Лекин катта ҳудудда сифатли тезликни таъминлаш учун эса жуда кўп WI-FI нуқталарини ўрнатиш лозим. Бу эса технологияга бўлган харажатларнинг ошишига олиб келади. Муаммолардан яна бири шуки, абонент, яъни фойдаланувчи бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўчганда, маълумот алмашиниш ҳамда уланишда тўхтовлар вужудга келади.

Юқорида қўриб чиқилган тармок технологиялари бугунги кунда қўйлаётган юқори ўтказувчанлик, ишончлик ҳамда мобиллик даражасини ўзида қисман ёки тўлиқ акс эттира олганлиги билан, нарх бўйича бугунги операторларга тўғри келмайди. Айнан ушбу муаммони симсиз технологиянинг янги авлоди бўлмиш IEEE 802.16 стандартидаги WI-MAX (Worldwide Interoperability for Microwave Access) технологияси ҳал қилиши мумкин.

WI-MAX технологиясининг ривож ҳамда кўтарилиши учун 1999 йили IEEE 802.16 базаси қoшида WI-MAX форум ташкил қилинган. Форумга Nokia, Harris Corporation, Ensemble, Crosspan ҳамда Aperto каби машҳур компаниялар қўшилган. 2005 йил май ойига келиб, ушбу форумда 230дан зиёд қатнашувчилар бирлашди. Уша йилиёқ WSIS (World Summit on Information Society) томонидан WI-MAX технологиясига қўйиладиган мақсад ва вазифалар қўйилди:

WI-MAX ёрдамида кичик қишлоқлар, узоқ ҳудудларда ахборот ҳамда коммуникация технологияларини ривожлантириш (кўпгина чек-



нишга тўсиқ бўла оларди.

Ҳар бир база станцияси юқори полосали тезкор боғланиш орқали провайдер билан доим боғланиб туради. Бу билан юкломани уяли алоқа топологияси асосида тенг база станцияларга тақсимлаш мумкин.

IEEE 802.16 тармок структураси одатий мобил алоқа тармоғига ўхшаб кетади. Бунда ҳам база станциялари 50 км радиусда хизмат

ка ҳудудларда телефон ҳамда кабел тармокларининг умуман мавжуд эмаслиги ҳисобга олинган ҳолда).

WI-MAX ёрдамида Ер шарининг ярим аҳолиси учун ахборот ҳамда коммуникация технологияларига йўл очил.

WI-MAX технологиясининг ишлаш тамойилларига келадиган бўлсак, бу тизим икки асосий қисмдан иборат:

WI-MAX база станцияси (юқори қаватли бинолар ёхуд махсус устунга ўрнатиш мумкин).

WI-MAX қабул қилгич (қабул қилгичли антенна, PC card ёки ташқи карталар форм омил асосида).

База станцияси ҳамда фойдаланувчи қабул қилгич қурилмаси орасидаги боғланиш паст частотали диапазон (2-11 Гц) орқали амалга оширилади. Бунда боғланиш энг яхши шароитларда 20 Мб/с тезликда маълумот узатишга имкон беради ва тўғридан-тўғри сигнал кўришни талаб этмайди.

Шуни ёдда тутиш лозимки, WI-MAX технологиясини ҳудудий тармокларни бир-бири билан боғлашда бемалол қўллаш мумкин.

Қўшни база станциялари билан ўй (ушбу юқори частота 10-66 Гц) тўғридан-тўғри радиоалоқа тартибда доимий алоқа ўрнатиш ҳам мумкин. Бундай боғланишлар 120 Мб/с тезликда маълумот алмашиниш имконини беради. Албатта, база станцияларининг тўғридан-тўғри кўриш орқалигина бир-бири билан маълумот алмашиниши бу технологиянинг камчилиги ҳисобланади. Лекин юқори қаватли биноларда жой олган база станцияларига нима ҳам бир-бири билан боғла-

кўрсата олади.

WI-MAX технологиясининг ишлаш тартиби тўрт хил:

Fixed WI-MAX — фиксацияланган алоқа 10-66 Гц частота диапазонини ишлатади. Ушбу частота диапазони кучли сўниш туфайли узатувчи ҳамда қабул қилгичларнинг тўғридан-тўғри бир-бирига кўриш орқали сигнал узатишни талаб этади. Бошқа томондан эса ушбу частота диапазон радио алоқадаги энг асосий муаммо — сигналнинг кўп нурули тарқалиши олдини олади ва сигнал тезлигининг 120 Мб/сгача кўтарилишига олиб келади.

Nomadic WI-MAX — сеансли алоқа орқали фойдаланувчи бемалол жойдан-жойга кўчиб юриши ҳамда алоқанинг узилган жойидан уланиб, фойдаланишни давом эттириши мумкин. Ушбу шакл асосан портатив қурилмалар учун қўлланилади.

Portable WI-MAX — силжиш тартибдаги алоқа фойдаланувчининг база станцияларини алоқани узман ҳолда автоматик равишда уланиш имконига эгадир. Лекин ушбу тартибда фойдаланувчининг жойдан-жойга кўчиш тезлиги 40 км/соатдан ошмаслиги лозим. У кўпроқ тезлик паст шаҳар кўчаларига тўғри келади, катта тезликдаги автомобилларда фойдаланиш муаммо тугдиради.

Mobile WI-MAX — 802.16e-2005 стандартида ишлаб чиқилган ва фойдаланувчининг жойдан-жойга кўчиб юриш тезлиги максимал 120 км/соат бўлганда ҳам сифатли алоқани таъминлай олади.

Руслан АЛЛАБЕРГЕНОВ,
ТАТУ талабаси

НОРВЕГИЯ: Автомобил ўрнига поезд

Норвегия почта хизмати Bving компаниялар гуруҳи билан ҳамкорликда темир йўл хизматларини кенгайтиришга киришди. Унга қўра, мамлакат пойтахти Осло ва Роттердам (Голландия) оралиғида иш бошлайдиган инновацион темир йўл йўналишида қитъадан келувчи ва қайтувчи поездлар ҳаракатланади. Бу хизматнинг афзаллиги шундаки, энди илк мартаба янги озиқ-овқат маҳсулотлари Европдан Норвегияга юк машиналарида эмас, балки поездларда келтирилади.

Нега автомобиллар ўрнини поездлар эгаллади, деган саволга жавобни Норвегия почтасининг атроф-муҳитни муҳофазалаш борасидаги стратегияси билан яқиндан танишиш орқали олиш мумкин. Ўтган йили почта хизмати Bving компаниялари орқали мамлакат темир йўллари орқали ўз тарихидаги энг йирик битимга эришганди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунга келиб, Норвегияда почтанинг 80 фоизидан ортиги поездларда ташилипти. Темир йўлларга ўтилиши натижасида автомобилларда босиб ўтиладиган масофа 1,5 миллион километрга қисқариб, ҳавога карбонат ангидрид гази чиқариш оёйга 1,3 миллион килограммга камайди. Агар янги поезд йўлга туширилса, бу кўрсаткич яна 4000 тоннага камайд. Бу дегани почта 32га юк машинаси хизматидан бемалол воз кечини ва автойўналишни йилига яна 1,5 миллион километрга қисқартириши мумкин.

Айни пайтда Норвегия почтаси ва Bving компаниялар гуруҳи 2010 йилда Европга қатнайдиган поездлар сонини ҳафтасига учтагача етказишни режалаштирган.

СИНГАПУР: Шанба — дам олиш

Мамлакат фуқароларининг янги турмуш тарзи ва почта жўнатмалари ҳажмининг камайиб кетишидан келиб чиқиб, Сингапур почтаси шанба куллари хат етказиш ва олишни бекор қилди. Бу қонда жорий йилнинг 15 майдан кучга кирди.

Маълумотларга қараганда, Сингапурда ҳар бир фуқаро ўртача ҳисоблаганда йилига олтига хат ва ошкитка жўнатади. Бундан ташқари, аксарият компания ва ташкилотларнинг ҳафтасига беш кун ишлаши шанба кунги почта йўлланмаларининг камайишига олиб келган. SingPost бош ижрочи директори ўринбосари Нг Хин Лининг сўзлашича, ушбу қарор ортиқча харажатларга барҳам беради ва рақобат шароитида хизмат сифатини юқори даражада таъминлашга замин ҳозирлайди.

БУТАН: Почта учун код

Бутан почта хизмати Бутунжаҳон почта иттифоқи ёрдамида мамлакатда почта кодлари тизимини ишлаб чиқди. Мамлакат маъмурий бўлинишига асосланган беш белгилек почта кодлари тизими ишга тушди. Коднинг биринчи рақами тумани, иккинчи рақами провинцияни, учинчи сифати вилоятни, охириги икки рақами хат қайси аҳоли маскани ва алоқа бўлимига жўнатилаётганини билдиради. Бу кодлар почта жўнатмаларини тез ва сифатли саралашга имкон беради.

SEMINAR

АРМ ходимлари Нуротада

Яқинда Навоий вилояти Нурота туманининг тоғ ён бағридаги Чуя қишлоғида “Ахборот-ресурс марказларида метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш” мавзусида навбатдаги ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Уни Нурота иқтисодиёт коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари А.Исmoilов олиб борди.

Семинарда сўзга чиққан Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи С.Алламуратов, А.Қодирий номидаги вилоят АКМ директори И.Ҳамроевлар иштирокчиларга мазкур семинарнинг мақсад ва вази­фалари, АКМлар иш фаолияти самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳақида гапириб ўтишди. Йи­ғилишда қатор мавзуларда маърузалар тинглан­ди. Маърузаларда Баркамол авлод йили Давлат дасту­рининг вилоят АРМларида амалга оширилиши лозим бўлган банд­лари, АРМ ходимларининг вази­фалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари нималардан иборат эканлиги, АРМларда юри­тилиши лозим бўлган метёрий ҳужжатлар, уларнинг юри­тиш тартиби, АРМлар фондини доимий равишда янги адабиётлар билан бойитиб бориш лозимлиги ва бунинг учун қандай манбаларга му­

рожаат қилиш, қандай йўллар билан китобларни сотиб олиш мум­кинлиги юзасидан маълумот ва ту­шунчалар берилди.

Кармана маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи АРМ раҳ­бари А.Ражабов “Электрон ахборот-ресурслар технологиялари бўлимининг асосий иш фаолияти” тўғрисидаги маърузасида келажакда АРМ фаолиятини янада ривож­лантириш, кенг ахборот техноло­гияларини жорий этиш, электрон базаларни яратиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида слайдлар асосида батафсил тушун­ча ва кўрсатмалар берди.

Тадбирда вилоятдаги 50га яқин АРМлар ходимлари иштирок этиб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Жамила БОБОМУРОДОВА,
Навоий вилояти АКМ
услугият бўлими мудири

Бола ҳуқуқлари ҳимояда

Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона марказида воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида “Воёга етмаганларнинг жиноий фаолиятга жалб қилишнинг олдини олиш ва жиноий-ҳуқуқий кураш чоралари” ҳамда “Бола ҳуқуқлари қонун ҳимоясида” мавзуларига қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

АКМ ўқув залида бола ҳуқуқлари ҳамда воёга етмаган ёшларга таллуқли адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Тадбирни марказ директори Ш.Холиёров очиб берди. Шундан сўнг Термиз давлат университети тарих ўқитувчиси Т.Холиёров “Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқий ҳимояси” мавзусида маъруза қилди. Термиз шаҳар ички ишлар бўлими воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи ходимларидан подполковник Т.Абдуназаров, капитан А.Қурбонов, катта сержант С.Очиловлар воёга етмаганлар томонидан содир этилаётган турли хил жиноий ишларга қарши кураш чоралари ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдириб, ушбу мавзунинг DVD дисклар орқали ёритиб бердилар.

Тадбирда Термиз шаҳридаги 2 ва 6-умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишди ва саволлари билан давра суҳбатининг сермазмун ўтишига муносиб ҳиссаларини қўшишди.

З.АМИРОВА,
АКМ ходими

MINNATDORCHILIK

Юртимиз тинч бўлсин!

Мен 1927 йилда таваллуд топганман, кўп йиллик меҳнатларим ту­файли меҳнат фахрийси унвонини олганман. Раҳматли турмуш ўртоғим Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлганлар.

Ҳар йилгидек ушбу йилда ҳам Иккинчи жаҳон урушида қўлга киритил­ган Ғалаба куни нишонланиши арафасида биз фахрийларни эслаб, муно­сиб тақдирлаган ҳуқуматимизга, шунингдек, яқинда мушкулимни осон қилган “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали раҳбариятига, Мар­казий телефон боғламаси бошлиғи Нигматилла Султоновга ва 221/224-ЭАТС линия муҳандиси А.Зубаевага ўзимнинг чексиз миннатдорчилигим­ни изҳор этмоқчиман. Гап шундаки, биз яқинда янги хонадонга кўчиб келдик ва боғламага телефон ўрнатиш учун ариза билан мурожаат этдик. Берган аризамиз кўриб чиқилиб, қисқа фурсат ичида ижобий ҳал этилди. Ҳозир уйимда энг зарур алоқа воситаси — телефон ишлаб турибди.

Мен биз каби урушорти фронти қатнашчиларига яқиндан кўмак бер­ган барча яхши инсонларга раҳмат айтаман.


Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Марҳабо ЖИМБОЕВА
Тошкент шахри

Табриклаймиз!

“Қашқадарё Телеком” филиалининг Китоб телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ҳамда цех касба уюшмаси кўмитаси жамоалари боғлама бош муҳандиси Эшмирза ПУЛАТОВни қутлуғ 50 ёшин, боғлама электромонтери Мўмин ЖУМАНОВни муборак 55 ёшин қарши олишлари билан самимий муборакбод этиб, оилаларига хотиржамлик, ишларида ривож тилайди.

ЭЪЛОН!



“Ўзбектелеком”

акциядорлик компанияси
2010 йилнинг 1 июн санасидан
бошлаб телекоммуникациянинг
қуйидаги айрим универсал
хизматлари учун янги тарифлар
амалга киритилишини
маълум қилади:

Умумфойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Тўлов миқдори, сўмда					
	Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Аҳоли	
	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича
Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон аппаратидан фойдаланганлиги учун абонент тўлови						
шаҳар телефон тармоғида	1900	1850	3900	3035	1850	1300
қишлоқ телефон тармоғида	900	620	2200	1550	875	550

Белгиланган абонент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 дақиқа лимитидан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги (телефон тармоғига абонент линияси орқали уланган) телефондан амалга оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқсиз дақиқаси учун вақтбай тўлови 4 сўм миқдориде белгиланди.

Республика ичидаги телеграф алоқаси хизматлари

Хизматлар турлари	Тўлов миқдори, сўмда	
	Корхоналар	Аҳоли
Телеграммадаги битта сўз учун тўлов олдий	42	18
шошилинч	86	86
Телеграммаларнинг барча турлари ва тоифалари учун телеграф йиғимлари	86	86

Бошқа универсал хизматлар тарифлари олдинги ҳолида сақланган.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ !

Телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларга ўрнатилган имтиёзлар ўз кучини сақлаб қолади.

Телекоммуникация хизматларидан фойдаланинг!
Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

Хизматлар лицензияланган.




Диск юритувчиларнинг унумдорлигини ошириш учун улар буфер хотира (КЭШ хотира) билан жиҳозланади. КЭШ хотираларнинг стандарт ҳажмлари 64, 128, 256, 512 ва 1024 Кбайт.

Аудиоадаптер. Ҳар қандай мултимедиавий шахсий компютер таркибида аудиоадаптер платаси мавжуд. Creative Labs фирмаси ўзининг биринчи аудиоадаптерини Sound Blaster деб атагани учун уларни кўпинча «саунд-бластерлар» дейишади. Аудиоадаптер компютерга фақат стерефоник овознигина эмас, балки ташқи қурилмаларга товуш сигналларни ёзиш имконини ҳам беради.

Аудиоадаптер товуш сигнали даражасини даврий равишда аниқлаб, уни рақамли кодга айлантириб берувчи аналог-рақамли ўзгартиргичга эга. Мана шу маълумот ташқи қурилмага рақамли сигнал кўринишида ёзиб қўйилади. Ушбу жараёнга тескари жараённи амалга ошириш учун рақам-аналогли ўзгартиргич қўлланилади. У рақамли сигналларни аналогли сигналларга айлантириб беради. Филтрация қилингандан сўнг уларни кучайтириш ва акустик колонкаларга узатиш мумкин.

Модем ва факс-модемлар. Модем — телефон тармоғи орқали компютер билан алоқа қилиш имконини берувчи қурилмадир.

Факс-модем — бу, факсимил хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш имконини берувчи модемдир.



Ўзининг ташқи кўриниши ва ўрнатилиш жойига қараб модемлар ички ва ташқи модемларга бўлинади.

(Давоми бор.)

8

КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ



ШАХСИЙ КОМПЮТЕРЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚУРИЛМАЛАРИ

*ЎзААА ва ТАТУ билан ҳамкорликда тайёрланди.

1

да қорароқ ёки ёруғроқ, рангли мониторларда эса бир ёки бир неча рангда бўлиши мумкин. Экрандаги нуқталар сони берилган ҳолатдаги мониторнинг ҳал этиш қобилиятига боғлиқ. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳал этиш қобилияти монитор экранининг ўлчамларига ҳам боғлиқ.

IBM русумидаги компютерларда сўнгги пайтларда керакли сифатга эга тасвири ҳосил қилиш имконини берувчи SVGA ва суюқ кристалли (LCD) мониторлар қўлланилмоқда.

Клавиатура. IBM PC клавиатураси фойдаланувчи томонидан маълумотларни ва бошқарув буйруқларини компютерга киритишга мўлжалланган қурилмадир. Клавиатуранинг умумий кўриниши ундаги тугмачалар сони ва жойланишига қараб турли хил компютерларда фарқ қилиши мумкин, лекин уларнинг вазифаси ўзгармайди.

Сичқонча ва трекбол. Сичқонча ва трекбол компютерга ахборотни киритишнинг координатали қурилмалари ҳисобланади. Улар клавиатуранинг ўрнини тўлалигича алмаштира олмайди. Бу қурилмалар асосан икки ёки учта бошқарув тугмачасига эга.



Сичқончани улашнинг уч усулини кўрсатиш мумкин.

Энг кўп тарқалган усул кетма-кет порт орқали уланишдир. Шинали интерфейсли сичқончалар камроқ тарқалган. Уларни улаш учун махсус интерфейс ёки сичқонча порти керак бўлади. Учинчи кўринишдаги уланиш

6

80386SX, 80386, 80486 каби турлари маълум.


Оператив хотира. Оператив хотира ўзида компютерда ишлатилаётган дастурлар ва маълумотларни сақлайди. Маълумотлар доимий хотирадан оператив хотирага кўчирилади, олинган натижалар зарур ҳолда дискка қайта ёзилади. Компютер ўчирилиши билан оператив хотирадаги маълумотлар ўчирилади.

Дискли жамлагичлар. Маълумотларни сақлаш, ҳужжатларни ва дастурларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш, бир компютердан иккинчисига ўтказиш компютер билан ишлаганда фойдаланадиган ахборотни доимий сақлаш учун дисклардаги жамлагичлар ишлатилади. Улар икки турда бўлиб, эгилувчан дисклар (дискеталар) ва қаттиқ дисклардаги жамлагичлар (винчестерлар) деб аталади.

Эгилувчан дисклар (дискеталар)га маълумотларни ёзиш ва улардан маълумотларни ўқиш учун диск юритувчи (дискетавод) қурилмаси ишлатилади.

Қаттиқ дисклардаги жамлагичлар (винчестерлар) компютер билан ишлаганда фойдаланиладиган ахборотни доимий сақлашга мўлжалланган. Масалан, амалиёт тизими дастурлари, кўп ишлатиладиган дастурлар пакетлари, ҳужжатлар таҳрирлагичлари, дастурлаш тиллари учун трансляторлар ва бошқалар.

Компютерда қаттиқ дискнинг мавжудлиги у билан ишлашда қулайликни оширади. Фойдаланувчи учун қаттиқ дискда-



3

Компютернинг асосий қурилмалари қуйидагилар:

тизим блоқи
монитор
клавиатура
сичқонча



Тизимли блокда марказий процессор, оператив (тезкор) хотира, қаттиқ диск, контроллерлар, дискеталар ва лазерли компакт дисклар билан ишлаш учун қурилмалар ва бошқалар жойлашади.

Марказий процессор. Компютернинг энг муҳим қисмини марказий процессор (процессор ва бошқарув қурилмаси) ташкил этади. Дастур ёрдамида берилган маълумотларни ўзгартирадиган, ҳамма ҳисоблаш жараёнларини бошқарадиган ҳамда ҳисоблаш ишларига тегишли мосламаларнинг ўзаро алоқасини ўрнатадиган қурилма — процессор деб аталади. Арифметик ва мантиқий амалларни бажариш, хотирага мурожаат қилиш, дастурдаги кўрсатмаларнинг берилган кетма-кетликда бажарилишини бошқариш ва бошқа амаллар процессор зиммасидадир. Бир сўз билан айтганда, процессор компютернинг барча ишини бошқаради ва барча кўрсатмаларини бажаради.

Микропроцессор. IBM русумли компютерларда процессор сифатида одатда Intel ёки бошқа фирмаларнинг микропроцессорлари ўрнатилади. Компютерлар микропроцессор турлари билан фарқланади. Микропроцессорларнинг Intel 8088, 80284,



2

PS/2 услубидаги сичқончаларда амалга оширилган. Ҳозирги кунда улар портатив компютерларда ишлатилмоқда.

Трекбол — «ағдарилган» сичқончани эслатувчи қурилмадир. Трекболда унинг корпуси эмас, балки шарча ҳаракатга келтирилади. Бу эса курсорни бошқариш аниқлигини сезиларли равишда оширишга имкон беради. Шу боис трекболга эга бўлган сичқончаларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Компютерлар асосий қурилмалардан ташқари бир қатор атроф қурилмаларига ҳам эга. Уларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Принтерлар. Принтер — маълумотларни қоғозга чиқарувчи қурилма. Барча принтерлар матнли маълумотни, кўпчилиги эса расм ва графикларни ҳам қоғозга чиқаради. Рангли тасвирларни чиқарувчи махсус принтерлар ҳам бор. Принтерларнинг қуйидаги турлари мавжуд: матрицали, пурковчи ва лазерли.

Лазерли компакт дисклар. Лазерли компакт дисклар учун диск юритувчи (CD-ROM)нинг иш принципи эгилувчан дисклар учун диск юритувчиларнинг иш принципига ўхшашдир. CD-ROMнинг юзаси лазер каллакка нисбатан ўзгармас чизикли тезлик билан ҳаракатланади, бурчак тезлик эса каллакнинг радиал жойлашишига қараб ўзгаради.

CD-ROMнинг унумдорлиги одатда унинг бирор вақт давомида маълумотларни узлуксиз ўзлаштиришидаги тезлик хусусиятлари ва маълумотларга етишнинг ўртача тезлиги билан аниқланади. Улар мос равишда Кбайт/с ва мс бирликларда ўлчанади.

7

ги жамлагичлар бир-биридан, яъни дискка қанча ахборот сиғиши билан фарқ қилади. Ҳозирги пайтда компютерлар асосан сиғими 20 Гбайт ва ундан кўп бўлган винчестерлар билан жиҳозланмоқда. Файл серверлар нафақат катта сиғимли, балки тезкор бир нечта винчестерлар билан жиҳозланиши мумкин.

Дискнинг иш тезлиги икки кўрсаткич билан аниқланади:

1. Дискнинг секундига айланишлар сони.
2. Дискдан маълумотларни ўқиш ва унга маълумотлар ёзиш тезлиги.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маълумотларга кириш вақти ва ўқиш-ёзиш тезлиги фақат дисководнинг ўзигагина боғлиқ эмас, балки диск билан ахборот алмашиш канали параметрларига, диск контроллерининг тури ва компютер микропроцессорининг тезлигига ҳам боғлиқ.

Контроллерлар (махсус электрон схемалар) компютер таркибига кирувчи турли қурилмалар (монитор, клавиатура ва бошқалар) ишини бошқаради.

Киритиш-чиқариш портлари орқали процессор ташқи қурилмалар билан маълумот алмашади.


Ички қурилмалар билан маълумот алмашуви учун махсус портлар ҳамда умумий портлар мавжуд.

Умумий портларга принтер, сичқонча уланиши мумкин. Умумий портлар 2 хил бўлади: параллел — LPT1—LPT4 деб белгиланади ва кетма-кет — COM1—COM3. Параллел портлар кириш-чиқишни кетма-кет портларга нисбатан тезроқ бажаради.

Мониторлар. Компютер монитори (дисплей) экранга матнли ва график ахборотни чиқаришга мўлжалланган. Мо-

4

ниторлар монохром ёки рангли бўлиб, матнли ҳамда график ҳолатларда ишлаши мумкин.



Матн ҳолатида монитор экрани шартли равишда алоҳида белги ўринларига (кўпинча 80та белгили 25та сатрга) бўлинади. Ҳар бир ўринга 256та белгидан бири киритилиши мумкин. Бу белгилар қаторига катта ва кичик лотин алифбоси ҳарфлари, рақамлар, тиниш белгилари, псевдографик рамзлар ва бошқалар киради. Рангли матнларда ҳар бир белги ўрнига ўзининг ва фоннинг ранги мос келиши мумкин. Бу эса чиройли рангли ёзувларни экранга чиқариш имконини беради.




График ҳолат экранга графиклар, расмлар ва бошқаларни чиқаришга мўлжалланган. Бу ҳолатда ахборотларни турли ёзувли матнлар шаклида ҳам чиқариш мумкин. Ёзувлар ихтиёрий шрифт, ўлчам, интервал ва бошқаларга эга бўлиши мумкин.

График ҳолатда экран ёритилган ва ёритилмаган нуқталардан иборат бўлади. Ҳар бир нуқта монохром монитор-

5

PAUERLIFTING

Етти олтин, ўн олтита кумуш, учта бронза

Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси етти та олтин, ўн олтита кумуш ва учта бронза медалга сазовор бўлди. Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиздан Павел Бриндин учта, Алёна Сомова иккита, Уллубек Дилмуродов ва Элдор Саидалиев биттадан олтин медални қўлга киритди.

Энди Ўзбекистон терма жамоаси аёзолари жорий йилнинг сентябр ойда Чехияда бўладиган пауэрлифтинг бўйича жаҳон чемпионатида қатнашади.

DZYUDO

Ришод – халқаро турнир шохсупасида

Ришод Собиров Тунисда дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при мусобақасида олтин медалга сазовор бўлди.

Жорий йилнинг 7-9 май кунлари ўтказилган нуфузли турнирда дунёнинг 49 мамлакатидан уч юз элликака яқин дзюдочи қатнашди. Истеъдодли полвонимиз Ришод Собиров олтин шохсупасида вази тоифасидаги беллашуларда украиналик Максим Коротун, Георгий Зантара, германиялик Тобиас Энгелмаерни енгиб, финалда чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда япониялик Масаки Фукуокадан устун келган вакилимиз шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

TENNIS

Мурод – халқаро турнир голиби

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган “Фючерс” туркумидаги халқаро турнирда Мурод Иноятов бош совринни қўлга киритди.

Яккаликлар ўртасида бешинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз мусобақа давомида ҳиндистонлик теннисчилар – Викрам Реддини 6:3, 6:4, Камал Каннани 6:1, 6:0, Юки Бхамбрини 4:6, 6:1, 7:5, таиландлик Киттипорг Вачирамановонгни 6:4, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финалда яна бир ҳиндистонлик теннисчи Каран Растигидан 6:4, 6:4 ҳисобида устун келган М.Иноятов жорий мавсумдаги биринчи совринни қўлга киритди.

FUTBOL

Етиб келдик...

ОЧЛ ва ОФК кубоги гуруҳ босқичидан бир амаллаб чиқиб олган жамоаларимиз нимчорак финалда мусобақани тарк этишди. Ҳар учала жамоамиз ҳам ўз гуруҳида 2-уринни эгаллагани боис, нимчорак учрашувларини сафарда ўтказишди ва рақиб тўсигини енга олишмади.

ОЧЛ. НИМЧОРАК ФИНАЛ.
АЛ-ГАРАФА – ПАХТАКОР – 1:0
Гол: Клемерсон (86-пен)

«АЛ-ҲИЛОЛ» – «БУНЁДКОР» – 3:0
Голлар: Мажид Ал-Маршадий 9, Кристиан Вилҳелмсон 56, Тиагу Невес 61

ОФК кубоги. НИМЧОРАК ФИНАЛ.
“АЛ-КАРАМА” – “НАСАФ” – 1:0
Гол: Ҳасан Аббос, 76 пен – 1:0.
Амалга оширилмаган пеналти: Камолдин Мурзоев, 58.

Рақиблар: Ироқ, Баҳрайн, Шимолий Корея...

Хитойнинг Зибо шаҳарчасида 19 ёшга бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг финал қисмига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Айнан ушбу шаҳарчада шу йилнинг 3-17 октябрь кунлари китба чемпионати бўлиб ўтади.

Қуръа натижалари билан танишинг:

“А” ГУРУҲИ Хитой (мезбон) Таиланд Сурия Саудия Арабистони	“В” ГУРУҲИ Ўзбекистон Ироқ Баҳрайн КХДР	“С” ГУРУҲИ БАА Ветнам Иордания Япония	“D” ГУРУҲИ Жанубий Корея Австралия Яман Эрон
---	---	---	--

«Атлетико» Европа Лигаси голиби!

Финал ўйинининг қўшимча вақтида «Фулхэм» дарвозасига галаба тўпини киритган «Атлетико» Европа Лигаси кубогини қўлга киритди. Диего Форланнинг дубли мадридликларга биринчи еврокубокни тақдим этди.

«Атлетико» (Мадрид, Испания) – «Фулхэм» (Лондон, Англия) – 2:1

Голлар: Форлан, 32 (1:0); Дэвис, 37 (1:1); Форлан, 116 (2:1)



SHAХMAT

Ананд чемпионликни сақлаб қолди



Ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Ананд якуний – 12-партияни ўз ҳисобига ҳал қилиб, амалдаги чемпионлик унвонини сақлаб қолди.

Болгариялик даъвогар – Веселин Топаловга қарши жаҳон чемпионлиги учун кечган баҳсда 11-партиядан кейин ҳисоб 5,5:5,5 эди. Ҳиндистонлик шахмат устаси қора доналарда ўйнаганига қарамай, ҳал қилувчи очкони қўлга кирита олди.

Жаҳон чемпионлиги финали учун қўйилган мукофот жамғармаси 2 млн. евродан иборат эди. Анандга голибга аталган 1,2 млн. евро насиб этди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Бухоро Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Гиждудов туман телекоммуникациялар боғламаси стакчи муҳандиси Ҳомит Дехқоновга отаси **Насим ДЕҲҚОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Қашқадарё Телеком” филиали жамоаси “Телеком наслчилиги” шўъба корхонаси иш юритувчиси **Нурулла ТАНГИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал – ☾
Реклама матнларининг тўғрелигига таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 233-80-20,
236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси – 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақифланди. Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди – 20.00.
Босишга топшириш вақти – 20.00.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҲҲЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтаининг Жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-402 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16940 нусха.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нусада 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 233-36-48	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99
---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------

DUNYO DURDONALARI

Ассалому алайкум "Хабар" газетаси жамоаси! Мен газеталарингизни доим ўқиб бораман, айниқса, "Дам олиш саҳифаси" менга жуда ёқади. Мен ҳам ушбу саҳифага Эйфел минораси ҳақида ёзиб юборяпман.

Мухлисангиз Фарида

Эйфел минораси

XIX асрнинг ўрталарида қатор мамлакатларда меъморий қайта қурилишлар бўлиб ўтди. Ривожланган мамлакатлар баланд-баланд бинолар қуриш орзусида эди...

Қўлаб мамлакатлар учун бу ушалмас орзу бўлиб қолди. Лекин франциялик муҳандис Густав Эйфел бу йўлда қаттиқ бел боғлади. Уша пайтда Парижда халқаро кўргазма бўлиб ўтади. Унда юзга яқин иншоотлар намойиш этилади. Эйфел ва Морис яратган темирли минора лойиҳаси ғолиб чиқади. 1884 йилнинг охирида Эйфел бошчилик қилган компания улкан минорани барпо этишга киришди. Бу ишга лойиҳачи Морис

Кёшлин ҳам муҳим ҳисса қўшди.

Осмонўпар бу минора 1,6 гектар ерни эгаллаган. Антенна билан бирга унинг баландлиги 320,75 метр, оғирлиги эса 8600 тонна. Минора 12000 қисмдан таркиб топган. Қурилишда 250 нафар ишчи иштирок этган.


Миноранинг номи ҳам муҳандис Густав Эйфел исмидан келиб чиққан. Густав Эйфел аввал темир кўприклар қуриш билан шуғулланарди. Шунинг учун катта тажрибага эга бўлиб, кўзлаган минораси қисқа мудат ичида барпо этилди. У тўртта устунга таяниб туради. Улар ичида яна

тўртта устунчалар ҳам бор. Бу устунлар миноранинг текис ва мустақкам туришини таъминлайди. Миноранинг биринчи қисмида ресторан, иккинчисида эса "Фигаро" газетаси таҳририяти фаолият олиб боради.

Эйфел минораси 26 ой ичида қурилди. У 1931 йилгача энг баланд иншоот ҳисобланарди.

Ҳозирги кунда Эйфел минорасини томоша қилиш учун минглаб сайёҳлар ташриф буюришади.

Фарида ТОШПҮЛОВА
Жиззах вилояти



ТўРТЛИКЛАР

Темирчи захмати буюмда аён,
Дилу қўл кўшиқса бўлмагай нуқсон.
Чинакам устозга хайкал на ҳожат,
Шогирд тимсолида эрур намоён.

Ризқ учун сабабдир: булут ва томчи
Ва ҳатто шамол ҳам эрур сабабчи.
Уларсиз не кечар наботат ҳоли,
Тўрт томон серукум тупроқдир, гарчи.

Арқонни қуввати ҳар тола қилдан,
Донолар ёд айлар, чиқармай дилдан.
Яхши сўз вафидан ганим эрилув,
Ҳар битта дўстлигини кўймағил қўлдан.

Мўтлоқ доноликни ким айлар даъво —
Вужудин қопламини кибури ҳаво.
Кўндан айирмасин ҳар не наънида,
Бари-барчасига бордир иштиҳо.

Умри фаслига хослашлик — гўзал,
Ушини фаслига мослашлик — гўзал,
Ёшлик бу ёшлиқдир, кексалик ҳам гашт,
Фаслу кимлигини эслашлик — гўзал.

Ўзиндан ўзини сўраблар тургин,
Ёмонинг яхшига ўраблар тургин.
Отанг ким, онанг ким унутмагайсан,
Хайлинг гоҳо гоҳо тараблар тургин.

Заҳматдан сўнгра бир роҳат ўнгуви,
Меҳнатнинг авжидан омад ўнгуви.
Сабрли инсонни султон дейдилар.
Ҳамматнинг гулидан хурмат ўнгуви.

Орзу бир лавҳадир кўнгила йўлида.
Меъёру андиша дилда бўлса роз.
Мақсад тилингдами ёки дилингда,
Ниятинг бўлгуси ўзингга ҳамроз.

Менинг қарчимга сизмайди дунё,
Ўзани йўлида дарёдир дарё.
Ўзиндан ўзани тиламагайсан,
Ҳолинга бордурсан, не лозим рўё.

Суяндик МУСТАҒО

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Азиз газетхон!
Масофадан туриб
телевизорни бошқа-
радиган пулт ихтиро-
чиси кимлигини бил-
ласизми?



! "Хабар"нинг 2010 йил 30 апрелдаги 18 (919)-сонидан эълон қилинган "Нобел мукофоти билан икки марта (физика ва кимё йўналишида) тақдирланган олима кимлигини биласизми?" саволига жавоблар:

Нобел мукофоти билан Мария Кюри икки марта тақдирланган. 1903 йилда физика ва 1911 йилда химия йўналиши бўйича. Шунингдек, аёллар орасида биринчи бор Нобел мукофотига Мария Кюри сазовор бўлган.

Ф.ТЕШАЕВ
Тошкент шаҳри

Бу олима Мария Склодовская-Кюридир. Унга жаҳондаги энг олий мукофотлардан 11таси ҳамда 90та фахрий унвон берилган.

М.АСҲАДОВА
Наманган вилояти



SIZ QANDAY IZOHLAISIZ?



Бизнинг изоҳ: Виртуал оркестр.

Тўр парда — зўр парда

Тўр пардалар нафислиги билан алоҳида ажралиб туради. Мабодо пардангиз қирланган бўлса, уни ювишда эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Ювиш учун парда яхшилаб чангдан тозаланари. Сўнг илиқ сувда 4-5 соат давомидан ивитиб қўйилади.

Қаҳва қайнатмаси қўшилган сувда сариқ ва новвотранг пардаларни чайсангиз, ранги тиниқлашади.

Тўр пардани ишқалаш ёки бураб сиқиш мумкин эмас. Пардангиз чўзилиб кетади.

BILASIZMI?

Биринчи марта..?

● Биринчи марта кўричакни жарроҳдик йўли билан олиб ташлаш амалиёти 1883 йил 10 майда Канаданинг Онтарио провинциясидаги Фернус шаҳрида, доктор Авраам Гровс (1847-1935) томонидан амалга оширилган. Шуниси таажжубланарлики, амалиёт ошхона столида амалга оширилган. Докторнинг мижози эса қорин оғриғидан шикоят қилган 12 ёшли болакай эди. Амалиётдан уч кун ўтиб, у ўзини яхши ҳис эта бошлаган.

● Биринчи велосипед Англиянинг Дамфриз графлигида коуртхиллик темирчи Кирпатрик Макмиллан томонидан ясалган.

● Жуда машҳур бўлган бадминтон спорт ўйини биринчи марта Англияда пайдо бўлган. 1870 йилда Дюк Бюфорт уни ўйлаб топиб, илк бор Бадминтондаги (Глостершир) серҳашам уйида меҳмонлари билан ўйнаган.